

ОИЛАНГИЗГА БАХТУ САОДАТ ЁР БЎЛСИН!



- Қайнонамни ўз онамдек яхши кўраман, - дейди Раҳмон ака ва Зумрадхон опаларнинг севимли келини Зулхуморой.

Ўтаётган ҳар бир куни турли воқеалар аро кечаётган халқимиз ҳаётининг ҳар лаҳзасида эзгу-

рой кишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Шамсиобод маҳалласида ҳам ибратли ишлар амалга оши-

Бу йил 50 нафар кўркам ўғлонлари уйланиб, Файзиободнинг маҳалласини фойзга тўлдириб, қутлуг ниятлар билан 50 нафар келинчақлар кириб келишди.

Юртимиздаги оилалар сафига яна эллик нафар оила қўшилди. Қомусимизга асосан оиласи ҳам, бахту-саодати ҳам қонунларимизга асосан муҳофаза қилинади. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак бу ёш оилалар маҳалланинг ҳам

“Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда, жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга”.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасидан

8 ДЕКАБР

Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси кун



Узукка кўз кўйгандек, бир-бирига муносиб бу келинлар - Гулнора, Дилором, Шаҳноза ва куёвлар Рустамжон, Низомиддин, Шухратлар жуда ҳам бахтли.

лик яшайди. Қувончу-ташвишларнинг энг баланд тахтида эса азиз фарзандларимизнинг, ўғил-қизларимизнинг бахту саодатини кўришдек эзгу ниятларимиз бор.

Юртимизда «Обод маҳалла йили»да яхши ишларга қўл урилди. Шаҳру кишлоқларимиз янада ободлашди, гўзаллашди, ҳаётимизда эзгуликлар амалга ошди. Тошкент тумани Кўкса-

рилди. “Обод маҳалла йили” да яхши кунлар, тўйлар кўп бўлди. Шу боис Тошкент вилоятидаги энг яхши маҳалла деб, эътироф этилди. Йил давомида ўтказилган энг ажойиб тадбир эса куни кеча Ўзбек Давлат Миллий Академик театрида ўтказилди. Ўзбекистон республикаси Конституцияси байрамига бағишлаб ўтказилган бу тантана шамсиободликлар учун унутилмас бўлди.

ҳимоясида бўлади. - Бизнинг маҳалламизда кўйди-чиқдилар йўқ. Маҳалладошларнинг ҳаммаси бир-бирини суяйдиган оқибатли инсонлар. Уларнинг ўғил-қизлари ҳам шундай тарбияни олишган. Демак, улар ҳам келгусида фақат яхши ишлар қилиб яшайдилар, - дейди маҳалла раиси Мирислом хожи Усмонов. Куни кеча эса Мирислом хожи Усмонов сайловда



Шарипов Ҳамидулла ака ва Матлуба опалар оиласини Шамсиободда барча ҳурмат қилади. Ўгли Шерзод Обод маҳалла йилида Зулайхо янги оила қуришди.

яна маҳалла раислигига сайланди. Мирислом Усмонов ўтган вақтда маҳаллага сув келтириб, кўчаларни таъмирлатди. Арк дарвоза ва маҳалла учун бозорча қурдирди. Қонунларни яхши билгани

эканмиз, Мирислом хожи Усмоновни табриклар, ишларига муваффақиятлар тиладик. Неча йиллардан буён Шамсиобод маҳалла ахлига бош-қош бўлиб келаётган Мирислом



Зухра, Муҳайё ва Дилафрўз исмли бу келинчақлар шамсиободлик Эрматовлар хонадонига бир кунда келин бўлиб келишди.

боис, маҳалла ҳуқуқини ҳамма жойда қатъият билан ҳимоя қила олади. “Отанг маҳалла, онанг маҳалла”, - дейишган. Раис эса маҳалланинг отасидир. Сўзимизни мухтасар қилар

хожи Усмонов ва унинг аҳил оиласи ҳақидаги мақоламизни газетамизнинг келажак сонларидан бирида ўқийсиз.

Басира

ЭЛ — ЮРТ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасида - бахтимиз Қомусининг 11 йиллиги муносабати билан давра суҳбати бўлиб ўтди. “Конституция Давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир”, - деган эди Президентимиз И.Каримов.

Дарҳақиқат, Конституция ҳар бир мамлакатда яшаётган турли миллат вакиллари ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилади. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида бўлиб ўтган давра суҳбатида Ўзбекистон Конституциясининг, ҳаётимиздаги бекиёс ўрни, айниқса хотин-қизлар ва болалар ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза этишдаги аҳамияти катта эканлиги ҳақида гап борди.

Давра суҳбатида Республика Бош Вазири ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова, Республика Маънавият ва Маърифат марказининг раиси Қ.Аъзамов, Олий Мажлиснинг “Оила ва аёллар муаммолари комиссияси раиси Ш.Салимова, Чилонзор туман ҳокимининг ўринбосари М. Содиқова, Республика “Қамолот” ижтимоий ёшлар ҳаракати раиси Б. Убайдуллаев ва бошқалар сўзга чиқшди.

Бош Қомусимиз-Конституцияга бағишланган йиғилиш ва тадбирлар республикамизнинг барча ташкилот, муассаса ва ҳўжаликларидан тантанали тарзда ўтказилмоқда.

Ўз мухбиримиз.

Мен беш йилдан бери «Оила ва жамият» га оубна бўлиб келаяпман. Касбдошларимиз билан газетанинг ҳар бир сонини зўр қизиқиш билан ўқиб бораёпмиз. Газета жудаям мазмунли ва қизиқарли бўлиб, бунда ҳаёт ва оила, тиббий ва ҳар хил фойдали маслаҳатларни ўқиймиз.

Шу фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни Конституция байрами билан самимий табриклайман! Эл-юрт равнақи йўлидаги ишларингизда ривож ва улкан муваффақиятлар тилайман, кўларингиз дард кўрмасин азизлар.

Тозагул ЮЛДАШЕВА

Тўртқўл тумани
Марказлашган шифохона ҳисобчиси

Газетхон табриги

ҲАР СОҲАДА ФИДОЙИДИР, АЁЛЛАР

Хотин-қизлар кўмиталари фаолиятдан




Яқинда чирчиқлик хотин-қизларнинг фаолияти билан танишиб, улар билан суҳбатлашдик. Бу дилкаш аёлларнинг кўнгиллари меҳнат ва яратиш шуқуҳига тўлган.

Чирчиқ жуда шинам ва файзли шаҳар. Одамларимиз дилкаш, меҳмондўст, меҳнаткаш. Бу ерда Республика ва вилоят миқёсидаги жуда кўп тадбирлар, халқаро спорт мусобақалари ўтказилди. Бу тадбирлар албатта аёлларимизнинг иштирокисиз ўтмайди.

Ҳар бир соҳада ўзига яраша меҳнат қилаётган аёлларимиз билан фахрлансак арзийди. Ахир оилада ва жамиятда ҳавас қилгудек обрў-эътибор топиш осонми? - дейди Чирчиқ шаҳар ҳокимининг муовини, шаҳар Хотин-қизлар кўмитасининг раиси **Муяссар ИБРАГИМОВА**.

жатлар, олди-сотди шартномалари тузиш, ишонч-номалар тайёрлаш масалалари билан келишади..

Айниқса, тадбиркорлар турли масалалар бўйича опага мурожаат қилишади. Насиба опанинг ўзи ҳам кўп янгиликларни ўрганиб, ҳуқуқий хизматни яхшилаш устида изланади. Йиллар давомида масъулиятли лавозимларда ишласа-да, у кишини кўпроқ ажойиб уй бекаси, меҳрибон она сифатида танишади. Опа чиндан ҳам бахтли. Икки ўғли ҳам ҳуқуқий идораларда ишлашади. Ширин-ширин набиралари ўсишяпти. Яшаётган маҳалласида обрў-эътиборга эга. Эзгу ниятлари ушалиб муборак Ҳаж сафарига бориб келди. Идорасидаги ишлари билан банд, халққа хизмат қилаяпти. Инсон ҳаётидаги бахт шу, яшаш шу-да!



Хузуримизга ҳар куни кўп одамлар келади. Биз 21016 нафар кишига хизмат кўрсатамиз, - дейди Чирчиқ шаҳар ижтимоий таъминот бўлимининг бошлиғи **Сайёра ИСАНБЕКОВА**. - Уларнинг кўнгиллари нозик, шунга яраша муомала қиламиз. Ёшлиқда ҳамма нарса гўзал, бетакрор бўларкану яхши ёмон сўзларга одам унча парво қилмас экан. Аммо, кексаларга айрилган бир оғиз ножўя сўзларнинг дарди-дунёсини зулматга айлантиради. Умрининг бу палласидаги инсонлар меҳрга, эътиборга муҳтож бўлар экан.

Сайёраҳон ана шуларни дилдан хис этади. Ўз пенсионерларига яхшилик соғиниб яшайди. Имкон қадар гамхўрлик қилади. Чирчиқлик қариялар бу йилда Олтириқ, Косонсой ва Товоқсойдаги сўхатгоҳларда дам олиб қайтишди. Касалларга, ёлғизларга 44 нафар ижтимоий ходимлар хизмат кўрсатишади.

Октябрини опа **ҚОДИРОВАНИ** нафақат Чирчиқда, балки республикамизда ҳам кўпчилик яхши танимиди. Савобли касби, кўз шифокори вазифасида 38 йилдан буён

ишлаб одамларнинг кўзларини даволайди. 1-сон болалар шифонасида 30 йил бош шифокор



бўлиб ишлади. Турмуш ўртоғи Кимсан ака эса қурувчилик касбида шуҳрат қозонди. Октябрини опа бошқараётган тиббий марказда гинеколог, юрак, кулок, кўз, кулок, бурун, асаб тизимларини даволаш хизмати кўрсатилмоқда. Чирчиқликларга қулайлик яратиш мақсадида беморларни уйларига бориб даволаш ҳам йўлга қўйилган. Одамлар бундан мамнун. Ҳа, Республикада хизмат кўрсатган шифокор Октябрини Қодирова ўзининг кўп йиллик меҳнати давомида юзлаб инсонларнинг кўзларига нур ато этди.



Эъзоза **ЙЎЛДОШЕВА** илгари "Шамс" фирмасида иктисодчи бўлиб ишларди. Касби тақозоси билан аниқ ҳисоб-китобни, шулар асосида фирмаларни бошқаришни ўрганди, 1997 йилдан бошлаб ўзининг хусусий дорихонасини очди. Эъзоза ўз фаолияти давомида Чирчиқдаги кам таъминланган оилаларга, меҳрибонлик уйидаги тарбияланувчиларга имкон қадар ёрдам беради. Байрамларда уларни совға-саломлар билан йўқлайди. Одамлар бой бўлса, юрт ҳам бой бўлади, - дейишгани рост. Эъзоза эса ёрдамга муҳтож ҳам-касбларига ёрдам бериб яшяпти.



- Касбим оддийгина бўлса ҳам одамлар меҳнатимиздан мамнун. Хонадонларнинг иссиқ бўлишида, ҳар куни турли таомларни тайёрлашда беминнат газдан фойдаланишаркан, ҳамшаҳарларимиз бизни дуо қилишади, - дейди "Чирчиқгаз" идорасининг абонентлар билан ҳисоб-китоб юритиш бўлимининг устаси **Дилфуза АШУРМЕТОВА**

- Мана, қишки мавсум бошланди. Ишлатилган газ учун ҳисоб-китоб вақтида қилинса, давлат бюджети бойийди. Бу эса пенсионерларга пенсияни, болалар нафақаларини вақтида берилишини таъминлайди, - дейди Дилфуза. Ҳозиргача хонадонларга 17 миңдан ортиқ газ ҳисоблагичлар ўрнатилди. Дилфузаҳон ва ҳамкасбларининг мақсади битта, у ҳам бўлса қишли-қировли кунларда хонадонларнинг иссиқ ва шинам бўлишини таъминлаш.



2004 йилдан бошлаб турмуш қурадиган ёш келин-куёвлар ариза берган кунларидан бошлаб, мажбурий тиббий кўрикдан ўтадилар. Бу жуда яхши албатта. Чунки бу билан келгусида туғилажак фарзандларнинг саломатликлари кафолатланади, - дейди Чирчиқ шаҳар ФХДБ бўлимининг мудираси **Феруза ХОЛИМОВА**. Юртимизда ҳар йили жуда кўп тўйлар бўлади. Биз эса барпо бўлаётган оилалардаги ёш келин-куёвларнинг соғлом бўлишлари, ҳамда бахтли яшашлари учун имкон қадар ёрдам беришга ҳаракат қиламиз.

Сабр-бардошли, билимли, ўзи яшаётган жойда обрў-эътиборли Чирчиқ аёлларини замонамизнинг энг гўзал санамлари дегимиз келди.

Басира САЙДАЛИЕВА.



Чирчиқликлар ҳуқуқшунос **Насиба опа МИРЖАЛИЛОВАНИ** яхши танишади. Аёллар учун анчайин қийин ва мураккаб бўлган бу соҳада у 30 йилдан зиёд ишлади. Ҳозир ҳам хизматда. Қорунларни ва қонунчиликни ўзи беш қўлдек билган Насиба опа барча аёлларнинг ҳам ўз ҳуқуқларини яхши билишини жуда истайди. Юртдошларига ҳуқуқий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида у 1999 йилда хусусий ноқарил идорасини очди. Одамлар турли хил хуж-

Яқинда ЮНИСЕФ, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасида мамлакатимизнинг бир қатор давлат ташкилотлари, жамғармалар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида, 2003 йил 16 декабрда юртимизда йод танқислиги ҳолатларига қаратилган "Йодланган туз-саломатлик гарови" шиори ос-

ЙОДЛАНГАН ТУЗ-САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Долзарб мавзу

тида ўтказиладиган миллий ҳаракат (компания) ига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

6 миллиондан ортиқ ўқувчи ушбу кампанияда иштирок этиб, ҳар бир бола ўз уйида истеъмол қилаётган туздан намуна олиб келиб, бу наму-

налар ЮНИСЕФ ташкилоти етказиб берган махсус тўғламлар ёрдамида химиявий эритма тузга томзилди, агар туз йодланган бўлса, унинг ранги ўзгаради. Бу унинг орқали йодланган туз аҳамияти ота-оналарга ҳам тушунтирилади.

- Мутахассислар фикрига кўра, йод танқислиги ҳолатлари ақлий ривожланишнинг сустайишига, ҳатто туғилмаган бола ўлимга олиб келадиган жиддий муаммодир. Бу муаммо етарли миқдорда йодланган туз истеъмол қилиш йўли билан бартараф

этиш мумкин. ЮНИСЕФ Ўзбекистон ҳукумати билан биргаликда йодланган туз-ни кенг истеъмол қилишни рағбатлантириш бора-сида ишламоқда. 16 декабрда ўтадиган мазкур миллий кампания ҳам бу борадаги дадил қадам бўлади, - дейди ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бошлиғи Брендэ Виго хоним.

ҲУЛҚАР

ОҚИБАТЛИ БЎЛИНГ,

Исмни мухлисларимиздан яширган фарғоналик Н! Аканинг номаъқулчиликлари ҳақида юракдан эзилиб ёзганларингизни ўқиб, дилдимиладан ачиндим, беихтиёр тушишган ака ҳам шундай бўладими? - дея савол бердим ўз-ўзимга.

Отаси ҳаёт бўла туриб, унар-унмасга хонадон тинчлигини бузиб, ичи олиб тўполон қилавериши, укаси билан бесабаб ёқалашини инсофданми? Ота-она измига қарамай ўзи севиб олган хотинини ҳам аямай уришини айтмайсизми?

Бечора укаси: "Барибир акам менга қанча зулм қилмасин, унга ичим ачишади... Доим мен билан уришгани уришган. Ичиб олиб ўртоқларим олдида шарманда қилганда ер ёрилмади, ерга кирмадим", - дея зорланади. Хайф бундай акага, унинг боридадан йўғи яхши!

Ота-она тарбияда анчагина хатоларга йўл қўйган. Йўқса шундай кўнглихориликлар келиб чиқмасди-да! Қариганда ота-онанинг тинчи бузилмасди. Бугина эмас, маҳалла - кўй олдида: "Палончининг акаси ичиб юрибди... укасини урибди", - қабилидаги гаплар билан оиланинг юзи шувит бўлмасди.

Бизнингча, ҳар бир ота-она ўзларининг бахтли кексалигини яратиш ниятида фарзандларига кичиклигидан бошлаб бир-бирларига нибатан меҳр-мурувват уруғини ундиришга интилиши зарур эди.

Тўрт эмас, ўн фарзанди ҳам бир-бирисиз яшай олмайдиган оилалар элимизда кўлаб топилди.

Эзгулик уруғи ундирилган оилалардаги қиз фарзандлар ота-оналари оламдан ўтиб кетгач оналик, ўғиллар эса оталик вазифасини бажариши ҳам зарур. Мақтанчи деб тушунмангу, ўғил-қизларим, кувёларимнинг ўзаро меҳр-муруватини кўриб яйраб кетаман. Фақат ширин муомаласи, меҳр-муруввати билангина эмас, маблаг билан ҳам бир-бирга кўмаклашади. Айниқса, кичик кувёлим - Сайдолимжоннинг қилган ишлари бошқаларга ўрнатилган бўлгуси! Ҳа, чини билан шундай! Ёшлиқларида оналари - Озодахон юрак касали билан оламдан ўтгач, оталари Қаримжон билан оила



аравасини бирга юргизишларига тўғри келибди. Икки сингил ва бир укага меҳр кўрсатиб, яшаб келмоқдалар. Оиланинг бош фарзанди бўлишларига қарамай, аввал сингиллари Умидахонни узатишда оталарига кўмак бердилар. Сўнг қизим Дилорога уйланди. Бир ўғил икки қизли бўлиб ўз оиласини тебратиш баробарида оғир ишни

ТОТУВ ЯШАЙСИЗ

"Акам билан бегонадекмиз" - 47-сон

Эслатма: Акам оиламизга маъқул бўлмаган бир қизга уйланди. Ҳозир кўп ичадиган бўлиб қолди. Мени ҳам ўртоқларим олдида уришиб-суқадди. Акамдан кўнглим шундай совидики... Ҳатто ўзимга мендан кечганини айтди. Ота-онанинг насихатлари ҳам қор қилмай қўйди. У билан бегонадекмиз. Энди нима қилсам экан?

Фарғона

Н.

зиммаларига олиб, уй-жойни кенжа укалари - Одижоннинг уйланиши учун яхшилаб таъмирлади, ота уйини укаларига бўшатиб берди.

Бир йил мобайнида тўйга тараддуд қилиб, келин-куёвга эр-хотин сарпурсуқ ҳозирлашди. Ажойиб тўйлар қилиб, келин туширилди. Кичик келин Саидахон ҳам бир ўғил ва бир қизлик бўлди.

Бу яхшиликлардан хурсанд бўлган аммалар: Мукамбархон, Муқаддасхон, Муъсархон (шулар кувёмининг оналари йўқлигини билдирмай, елиб-юғуриб қизимнинг тўй тараддудини қилишганда ўшанда) йиғинлар, тўй-ҳашамда бирга бўлсак: "Жиянимиз Сайдолимжон тўп-роқ олса, олтин бўлсин, олтин боши омон бўлсин. Бу яхшиликлари фарзандларидан, ука-сингилларидан қайтсин!" - дея дуо қилишди. "Дуо олган омондир, қарғиш олган ёмондир", - деганларидек, фарзандлари камол топиб кўша қариб тотувликда яшасалар ажаб эмас. Қодир Оллоҳимдан барча хонадондаги фарзандлар ана шундай бир-бирларига умрини нисор қилиб яшашликлари насиб этишини тилаб қоламан.

Афифа Хасан қизи

Тошкент шаҳри

ЯХШИ НИЯТ ҲАЁТНИНГ БОШИ

Яхши ниятни ҳаётнинг боши, дейдилар. Бу сўзга ҳаётим давомида бир неча бор ишонч ҳосил қилганман. Тишинг бутунлигида яхши ният қил, ёшлиқда яхши ният қилсанг муродинга етасан дер эдилар, момом раҳматлик. Яхши ният - ярим давлат деб беҳизга айтишмаган. Онажоним қизлик паллалари дугоналарига: " Мен қизлик бўлсам шоира қилиб етиштирман, шоиралик илоҳий куч," - дер экан.

Яхши ниятнинг хосияти ўлароқ гарчи шоира бўлмасам-да, ижод аҳлига яқинман. Бу мени келажакда ижодкорлар сафига қўшиши ҳам мумкин. Яхши ниятни келажакнинг бахт пойдевори дегим келади. Оллоҳга минг шукр ва ҳамду санолар бўлсинки яхши ниятларим бирин-кетин амалга ошмаяпти. Яхши ниятни оппоқ қорга ўхшатиш мумкин. Қорга из тушгани каби баъзи бир юракларда ёмон ниятлар, ўз-ўзига ёмон ният қилувчилар ҳам топилади. Қўшнимизнинг бир қизи бор. Ёшлиқнинг бебошлиги туфайли биз анчагина ёмонликлар қилардик. Унинг сув селиб сулурган жойларини қороз чиқиндиларига тўлдириб ташлардик. Шунда у мен, ҳамда ўзининг син-

гилларига: "Сенлардай боланинг боридан йўғи яхши. Эрга тегсам бола тугмайман, болани ёмон кўраман", - дер эди. Яхши жойга келин бўлди. Орадан етти йил ўтди ҳамки фарзандли бўлмади. Ширингина оиласи бузилди. Ҳозирда у бу ишидан афсусда. Ёмон ният - отилган ўк, дейдилар. Жароҳат битади, аммо доғи қолади. Яхши ният қилганинг бахти бекам бўлади. Бировга яхшилик соғинсангиз, ҳаётингиз эзгуликларга бой бўлади. Онанинг ҳамкасбларидан бири одамларга турли-туман ваъдалар берган ҳолда шикоятбозлик қилиб онамни ишдан олдириди. Аммо бир йил ўтмасдан ўзида ҳам худди шу ҳолат юз берди. Нимаки эксанг, шуни ўрасан, дейишди-ку, яхши ният ҳамда яхшиликлар қилганга не етсин.



Моҳира БҮРИЕВА

Термиз шаҳри

Эслатма: Ёшлигимдан ўқшга киришни, оппоқ отим бўлишни орзу қилардим. Ният қилганимдек ўқшга кирдим. Яхши инсонга турмушга ҳам чиқдим. Нимаки ният қилган бўлсам ҳаммасига эришдим. Аслида ҳеч қачон қалтис ният қилмай, ширин орзу-ҳаваслар қилиб яшаш керак экан.

Р.Раҳимова,
Сурхондарё вилояти

ларни девор оша тез-тез эшитиб турардик. Баҳор эди. Кечга яқин ҳавони булут қоплади. Ёмғир ёға бошлади. Қумри холанинг эса сигири дала-

Яхши ният қанчалар яхши - 44-сон

Мен Райҳонанинг мақоласини ўқиганимда қўшнимиз Қумри холанинг сўзларини эсладим. Аслида-ку, уни ҳеч қачон унута олмагандим. Биз улар билан қўшни яшардик. Унинг Қомила исмли бўлиб у билан ўртоқ эдим. У озгин, хунуқкина, касалманд қиз эди. Шундай бўлса-да, онасининг зугумидан кўркиб, тонг сахардан туриб иш қиларди. Мактабга кетгунимизча ҳамма ишларни қилиб қўярди. Қумри хола эса

ОНА ҚАРҒИШИ

жаврашдан сира тўхтамасди. Ўғлини бир чиройли қизга уйлантиришди. Акаси уйланганида Қомила янгаси билан роса мактабни юборишни орзу қиларди. Лекин бир кун тўйга кетаётганимизда янгаси Қомилага: "Сен, ўзинг кетавер. Сендек таъвия билан кўчада бошлаб иш юргани ор қиламан!" - деганини эшитдим. Қумри хола эса бир аҳволда турган қизининг эмас, балки, келинининг ёнини олиб тўйга юбормади. Устига-устак:

- Ҳали сен ўлгурга совчи ҳам келмайди. Ўлиб кўя қолсанг-ку, қутула қолардим, - деб қарғарди. Бундай қарғиш-

дан қайтмади. У қарғай-қарғай Қомила сигирни топиб келишга юборди. Орадан бир соатлар ўтганда сигир маъраганича уйга қайтди. Аммо Қомила... У лойда оёғи тойиб, жарликка учиб кетган экан. Эртаси кун топиб дафн қилишди.

Қумри хола эса айтган сўзларидан бир умр пушаймонда яшади.

Оғзимиздан чиққан ҳар бир сўзимизни ўйлаб гапирсак, кўнглимизда ҳаммаша яхши ниятлар бўлса рўёбга чиқиши рост экан.

А. ИРИСМЕТОВА

Қибрай тумани

ЎРГАНГАНИМ ЎЗИМГА ФОЙДА БЎЛДИ

Бону! Талабалгимда мен ҳам аммамниқанда яшаганман. Шундай бўлса-да бошимдан анча савдолар ўтди. Ўқишга кирганимдан кейин отам: "Қиз болага ётоқхона тўғри келмайди. Амманга қарашиб шу ерда яшайсан", - деб аммамниқига ташлаб кетди. Мен университетда аълочи талаба бўлганим билан ҳаётнинг ҳақиқий синовларига шу ерда дуч келдим. Уйимизда соат саккизда зўрга турардим. Ўз уйимда онам мазали нонуштини тайёр қилиб ялиниб уйғотарди. Бу ерда эса...

"Талаба қизнинг сарғузаитлари" - 47-сон

Эслатма: Талабалikka қабул қилинганимда роса қувонгандим. Отам аммамнинг ўғлиниқига олиб келиб қўйди. У хотини ва ўғли билан ижарада яшарди. Биз тишимсиз кўчардик. Аммамнинг ўғли мени кўп уришарди, турли баҳоналар билан пулимни оларди-ю, қайтармасди. Мен эса жуда қийналардим. Бир йилдан кейин эса ётоқхонага чиқиб кетдим.

Бону

Аммам соат тўртда мен ётган уйнинг деразасини қаҳр билан тақиллатарди. Аввал уй-ҳовлини, кейин кўчаларни тозалаб супурардим. Сўнг аммамнинг бўрдоқига боқиладиган новвосларига терт қорардим. Мен буларни билмасдим. Аммам бошимда туриб ўргатди. Оғилни тозалаб, молларнинг

емини берардим. Бу орада ошхонага кириб, тушликка овқат пиширардим. Овқатни тайёрлагич, нонушта ҳозирлардим. Аммам менга кўп ҳам меҳр берардим. Чой ичиб бўлиб юврилган кирларни дазволлардим.

Хуллас, ўқишга кетгунимча ҳолдан тойиб, дарсда мудраб ўтирардим.

Курсдошларим қулишса уларга ярим кечага дарс қилганимни айттардим.

Дарсни университет кутубхонасида қилиб, уйга кечроқ боришга ҳаракат қилардим. Чунки, уйда шароит йўқ эди. Мен келгунимча аммам, яна оламжаҳон юмушларни тайёрлаб турарди. Оқшомдаги ишимнинг энг сўнгисини тош ҳовлини шавбра билан ювиб чиқардим. Чунки, қуёш ботгач аммам супурги ушлашга рухсат бермас эди.

Тунда эса аммам билан нимча тикардик. Уйкум келиб қўзларим ачишиб кетса-да, аммамдан олдин ётишга рухсат йўқ эди. Аммамнинг шу қаттиққўлликидан онамга шикоят қилиб кўп йиллардим. Онам эса: "Қандайсан-да, кизим! Қадимгилар бекорга: "Мусофир бўлмасанг, мусулмон бўлмайсан!" - дейишмаган, дерди. Шу ба-

ҳона нимча тикишни, тўқишни ўрганиб олдим. Эрталаб барвақт туришга одатландим.

Хуллас, ҳаммаси ортда қолди. Мен қаттиққўл аммамдан жуда миннатдорман. Айниқса, келин бўлганимда вақтли туришга ўрганиб қолганим учун қийналмадим. Қайнона-қайнотамга мазали нонушта тайёрлаб, уларнинг дуосини олардим. Хуллас, бир қийинчиликнинг роҳати ҳам бўлар экан.

Турли даргоҳларда касб-хунар ўргани эканмиз. Лекин, дунё синоатларини эса ўзимиз билган-билмаган одамлардан ўрганар эканмиз.

Сизининг бошингиздан ўтганларни ўқиб ана шуларни эсладим.

Васила

Чилонзор тумани

ТАБРИКЛАЙМИЗ

ЭЪЛОНЛАР!

Ширинтойимиз Муҳтарамхон Иброҳимова!
Туғилган кунинг билан қутлаймиз. Шўх-у шодон кулгуларинг билан ҳамisha хонадонимизни завқу шавққа тўлдириб юришинг тилакдошимиз.

Бобонг Иброҳимжон, бувинг Ойниса, даданг, аянг, амаки ва хоаларинг.



Устозимиз Камолиддин Исмоилов!
46 ёшингиз муборак! Доимо соғ бўлинг. Ишларингизда омад ёр бўлинг.
Касбдошларингиз
Қорақалпоғистон, Тўрткўл

Онажонимиз Тозагул!
Таваллуд айёмингиз қутлуғ бўлсин. Бахтимизга доимо соғ бўлинг. Узоқ умр кўринг.
Фарзандларингиз

Онажонимиз Роҳатой Курбонова!
Туғилган кунингиз муборак бўлсин. Умрингиз ва кўнглингиз оқ халатингиздек беғубор бўлсин.
Касбдошларингиз номидан
Тозагул.

Хурматли Жавлонбек Латипов!
Сизни 26 ёшга тўлишингиз билан табриклаймиз. Оилавий бахт, ишларингизга ривож тилаймиз.
Ҳамкасбларингиз
Тўрткўл т.

Самарқанд шаҳридаги барча кулайликларга эга бўлган (8-Март фабрикаси яқинида, 4 хонали, катта айвонли 4 сотих ери бор) ҳовли Тошкентда жойлашган 2 ёки 3 хонали квартирага алмаштирилади ёки сотилади.

тел: 133-04-50, 133-28-20

Токи бошимиз ёстиққа тегмагунча соғлигимизни ўйламаймиз. Мен тасодифан УЗИ апаратага тушсам, ўт пуфагимда 3 мм. яқин тош борлиги аниқланди. Хайратландим, чунки ҳеч қандай оғриқ сезилмасди, ўт пуфаги ҳасталиклари аломатлари йўқ эди. Бу УЗИ апаратага ишонч ҳосил қилмасдан, бошқа жойдаги УЗИга тушдим. Ўт халтасига тош бор экан. Тушкунликка тушдим. Илгариги қувноқлик, шодликдан асар ҳам қолмади. Чунки шифокорлар фақатгина жарроҳлик йўли билан тузалади, дейишди. Дардни худо суйган бандасига беради. Мабодо жарроҳлик (операция) қилинса, ўт пуфагини бутунлай қирқиб олиб ташлайди. Унда ўт тошлари

роз катталашибди. 3мм. эди, 3,2 бўлиб қолибди-я! Ана ҳолос... Даво ўрнига яна дардмандлик.
Кунлардан бир кунни яна туш кўрдим. Тушимда буюк аллома, ҳақимлар пири Абу Али ибн Сино бир қарич узунликдаги ялтироқ томир (илдиз) кўрсатди. Унгимми, тушимми? Ҳазратнинг китобини чуқурроқ мутуолаа қилиб ўша илдизни топдим. Шу илдизга бошқа гиёҳ илдизини кўшиб, бир неча кун истеъмол қилдим. Тасодифми, ёки мўжизами рўй берди: ўт пуфагимдаги тош иккига бўлинибди, УЗИ апарати буни аниқлади. Демак, даво бор! Хар бир кишининг биокувват берадиган дарахти бўлади. Меники тол дарахти экан. Шу дарахтдан

ТАБИАТНИНГ ЎЗИ ШИФОКОР



чандиқлар пайдо бўлиши мумкин. Агар чиқиндилар топилса, такрор операция қилинади.
Шуларни ўйлаб, жарроҳ тигидан "кўрқиб", ўзимча даво излай бошладим. Замонавий ўткир дори-дармонлар ҳам наф келтирмади. "Халқ сўзи" газетасида Ҳаким Сатторовнинг Тошкент шаҳридаги шифохоналарнинг бирига Германиядан машина келтирилганлиги, унда тиббий-техник анжомлари билан хизоҳланганлиги ва ўт пуфагида тош бўлса майдалаб, кишилар шифо топиши мумкинлиги борасида мақолани ўқиб қолдим ва пойтахтга равона бўлдим. Йўлда кетаётганда (поезда) ухлаб, туш кўрдим. Тушда ўша машина негадир ишламай, бузилиб қолибди. Ҳа, энди бу тушга нималар кирмайди. дедим-да, манзилга бориб суриштирсам машинадаги аппарат ҳақиқатан бузилиб қолибди. Тарвузим қўлтиқдан тушди. Андижон Ёшлар телеканалдан Асака шаҳрида бир аёл экстрасенс йўли билан ўт пуфагида тошни тушишни реклама қилиб қолди. Асакага бордим. Экстрасенс аёл алланималар деб пичиради ва: "Боравинг, уч кундан кейин тош тушиб кетади", - дея менга жавоб берди. Бу кунни ортиқча кутдим. Бироқ уч кун тугул 30 кунда нафи бўлмади. Бунга ўлароқ тош би-

биокувват олиб, доволашни давом эттирдим. Ўзим билган ва фанга, тиббиётга маълум бўлган даволаш тадбирлар мажмуаси таркибий қисмларини ишлаб чиқдим ва тавақал қилиб ўз-ўзимни шу табиий гиёҳлар, йиғмалар, ёғ билан доволадим. Кунлар ўтиб кутилмаганда, тунда жигаримда жуда қаттиқ оғриқ пайдо бўлди, 15 дақиқа қийин бўлди. Билдимки, тош майдаланиб юмшаб тушапти. Эртаси кунни апаратага тушдим. Шифокор хайрон, ўт пуфаги тоза ҳеч вақо йўқ. Ниҳоят ниятимга етдим: тошдан ҳалос бўлдим. Гўёки, ҳаётга яна қайтгандек бўлдим, кўзимга олам мунаваар кўринди. Ҳаёт қувончлари, дардлари, ташвишлари шу бўлса керак-да, деб таскин топасан киши.
Мен ўйга толдим. Бу дардга тушимда даво топдим. Туш ёрдам берди, десам муболага бўлмас. Айнан ўша ялтироқ томир орқали тошни нура-тишга йўл очилди. Ҳа, табиатнинг ўзи шифокор дейилиши бежиз эмас, шу билан бирга тушлар асосида намоён бўлиши ҳам бежизга ўхшамайди. Яна Яратган Эгам биллади. Дардини ҳам, шифосини ҳам ўзи беради... Ва тушлар кўришни насиб этади.

М.МИРЗАШАРИПОВ

Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар "Оила зийнати" Маркази қизларни ва келинчаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида куйидаги касблар бўйича ўқув курсларини ташкил этди. Марказда кам таъминланган оила фарзандлари бепул ўқитилади. Бошқа худудлардан келган ўқувчилар Ўтоқхона билан таъминланади.



Ўқув муддати 2 ойлик курслар.

• Бичиш-тикиш • "Элита" усулида пардалар, чойшаблар ҳам тикиш • Бисерлардан фойдаланиш тикиш • Бошланғич компьютер билимлари ҳам (Windows 2000) • Олий даражада торт ва салатлар тайёрлаш • Массаж • Сартарошлик • Косметология • Манжур

Ўқув муддати 3 ойлик курслар

• Миллий кўрпа-кўрпачалар тикиш • Юм-

шоқ ўйинчоқлар, бешик кўрпачалари ва ёстиқчаларини тикиш • Хар хил миллий тикиш Ўқув муддати 4 ойлик курслар • Бичиш тикиш (бошловчлар учун) • Машинада гул тикиш (вишневка) • Инглиз тилида Ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. (бўртмалар аҳолидан олади), (амалиётлари билан)

"Оила зийнати" Маркази қошидаги курсларни битирган ўқувчиларга махсус сертификат берилади.

Манзил: "Халқлар Дўстлиги" метроси. Фуркат кўчаси 1 уй. Мўлжал: Республика спорт кўмитаси. Ўқитувчилар малака ошириш институти жойлашган бино 2 қават 202 хона. Телефон: 45-18-42, 98-07-78, 29-28-58

«КАМОЛТО-КОМПЬЮТЕР» ўқув маркази таклиф қилади.

3 ойлик курслар:

- Инглиз тили, - Инглиз тили ва компьютер, - Бухгалтерия ҳисоби ва компьютер билимлари, - Банк иши ва компьютер билимлари, - Теле-радио-видео апаратураларини таъмирлаш устаси, - Рус тили, - Компьютерларни таъмирлаш устаси

2 ойлик курслар:

- Компьютер билимлари: (Windows-2000, Ms Office) INTERNET, E-MAIL, - Бухгалтерия ҳисоби, - Енгил автомобилларни электр қисмини созлаш. **1-С Бухгалтерия** дастури — 1 ойлик, - **Компютер, принтер, телевизор таъмирлаймиш.**

Курсларни тугатгандан сўнг диплом берилади. Манзилимиз: Тошкент, Навоий кўчаси-9, «Пищепром» лойиха институти биносининг 4-қавати. (ТРАСТБАНКнинг ёнида.) Тел: 41-33-96, 41-07-82



Профессор Эргаш Салимов клиникаси барча турдаги аллергик, бўгин, ошқозон-ичак хасталиқларини, касалманд, нимжон болаларни махсус усулларда доволайди. Бронхиал астма хасталигида гормонал дорилар қўлланмайди. Аллергик касалликларни аниқлаб, даволашда турли аллергенларни кўйиб синалади. Иш вақти соат 8 дан 17 гача.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент, Ҳўжраев кўчаси, 4-уй, 10-хона. Автобуслар — 27, 35, 46, 53, 91. Трамвай — 8. 1-шаҳар клиникаси бекати. Тел: 49-43-33, 144-64-30.

«Дилбарим - сервис» ўқув маркази сизларни ўқишга таклиф этади:

1. Бадий маникюр-педикюр - 1 ой, 2. Косметология - 2 ой, 3. Сартарошлик - 2 ой (Малака ошириш. Никоҳ ва оқшом гуллари, 10 кун), 4. Инглиз тили - 3 ой 5. Массаж (амалиёти билан) - 3 ой, 6. Уй ҳамшираси (амалиёти билан) - 3 ой, 7. Замонавий парда, дастурхон покривал тикиш (малака ошириш - олий курс - 10 кун), 8. Торт, салатлар ва пишириқлар - 3 ой, Олий тоифадаги кулинария - 10 кун. Мастикадан келин-куёв яшаш - 4 кун Элита услубида парда, покривал, дастурхон тикиш ва байрам никоҳ тортлари пишириш учун (олий даражада) буюртмалар қабул қилганимиз ва шогирдлар оламиш.
Хамма курслар амалиёти билан олиб борилади. Ўқишни битирганларга диплом берилади.
Манзил: Шифокорлар шаҳарчаси, Қамариниш кўчаси, ТошПИ, ТошГУ, 29-мактаб ичидан орқа томонда. Тел: 49-18-71

"Элита" усулида парда ва покриваллар тикишни ўргатаман ва буюртма қабул қиламан.
Тел: 22-73-73, 107-64-23 (Раёно)

Тошкент шаҳри, Юнусобод туманидаги (2 қават темир дуб эшикли, балкон ромлари 2 қаватли. Паркет полли) 4 хонали уй мебел тўплами (Болгария) ётоқ гарнитури билан сотилади.
Тел: 67-66-40 (Вилоятликларга расмийлаштириш кафолатланган)

"Матбуот тарқатиш уюшмаси" Акциядорлик жамияти ўз балансидаги бир дона УАЗ-3303 ва иккита УАЗ-3909 русумли автомашиналарини шартнома асосида сотилишини маълум қилади.
Манзил: Юнусобод тумани, А.Темур 1 тор кўча 2-уй 12-хона
Маълумот учун тел: 133-70-70



Беш кунликнинг бошида, ҳамда охирида ёғингарчилик бўлмайди. Ҳафта ўртасида эса айрим жойларда вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Хавонинг ҳарорати беш кунликнинг бошида 2° совуқ, 3° илқ атрофида бўлади. Кейинчалик 1°-6°, кундузи 6°-11° дан 11°-16° гача ҳарорат кўтарилади. Жанубий худудларда кечаси 0°-5°, кейинчалик 4°-9°, кундузи 10°-15° дан 16°-21° гача илқ бўлади. Республикаимизнинг шимолида беш кунликнинг бошида 4°-9°, кейинчалик 2°-3° илқ, кундузи 2°-7° дан 7°-12° гача илқ бўлиши кутилмоқда.

«Оила ва жамият» ўғитномаси

ЁН ДАФТАРДАН

Сирингни - сир сақлаб билганга айт. Оёғинг тортмаган йўлинг хатарли, ундан қайт... Ҳаётда оғзи очиклардан асрасин, ўғлоним?
Бўлай десанг, одамларнинг одами умр бўйи - меҳнат қил, меҳнатинг боғини ярат, қалбингни қуёш, пой-қадамингни қутлуғ, хар бир сониянгни меҳр билра юртингни гул, боғ қил! Шундай қилсанг, умринг гўзал бўлур ўғлоним!
Севилян - сева олади. Ахир, ишқ Мажнунни - мажнун этган. Шунинг учун асрлар оша инсонлар қалбидан Мажнун бўлиб жой олган.
Меҳр - оғир дард. У шунинг учун ҳам ҳаммага бирдек берилмайди, оналар сугидангина ўтади. У ноёб, камёб, ҳақиқий инсонлардагина, бисёр ганждир...
Ишқ - аланга олган олов, уни ўчирмоқ мушкулдир; қалбинг мангу учкунларидан пайдо бўлган, умрнинг йўлини нурафшон этувчи руҳий, истиқболли кечинма...
Оиладан қут-барақа кўтарилса, бирлик йўқлигидан; меҳрнинг узоқлашганидан.
Инсоннинг умрини, меҳнат, касб, билим безайди.

Эргаш Атоев

Навоий вилояти

**ШЕЪРИЯТ
ДАФТАРИДАН**

Санобар Фахриддинова



КЎКСИМ УЗРА ЙИГЛАР БИР ҚУШ...

Шеърият - гўё томирда оқаётган қон таркибидаги мал-ҳам хужайраларга ўхшайди. Андуҳли кунда ҳам, бахтиёр дақиқаларингда ҳам сенга ҳамдарду, сирдош, малҳаму дармон бўлиб самимий сўз ёрдамга келади...

Шоир бўлмаган қалбнинг ўзи йўқдир! Кимнингдир кўнгли булбули ошқора сайрайди, кимникидир тинҳона ўз-ўзига йиғлайди. Икки ҳолатда ҳам кўнгли - шеър! Тан олинг, шеъриятни севмаган кимса бормикин, яхши шеър тўлқинида оқмайдиған ёки қўшиқнинг таъсирли сўзидан кўзи намланмайдиган инсон топилмаса керак?!

Гоҳо бирор шеърни ўқиб туриб, мақсад излаганларни кўрсам, ҳайрон бўламан. Ахир шеър бирор мақсадни кўзлаб ёзилмайди-ку... У кўнгли манзараси, ҳолати, инсоннинг ўз-ўзини англаши, қисқаси, 72 томир тўлқинининг "юки" қаламга ортилиши... Қаламнинг чизгилари эса Соҳиби кўнглининг аҳли-биродарлари, эл-улуси, миллатли дарду қувончини нечоғли ҳис этишидан дарак беради.

Орзуим: Қалам отлиг элчимнинг қораламалари йўқувчимнинг ўзиникига айланса...

Муаллиф

ЙЎҚЛОВ

Аяжоним Саида Турдиқул кизи хотирасига.

Аяжоним, сирдошгинам,
Дийдорингизни соғиндим.
Йиқилди-ку бардошгинам,
Рухсорингизни соғиндим.

Дардларимни тўқай, десам,
Бағрингизга чўқай, десам,
Йўқсиз... "Нечқсан, деб, эркам?"
Сўрорингизни соғиндим.

Юракниам тилим-тилим,
Энди Сизга етмас қўлим,
Маҳшардами висол қуним,
Гулнорингизни соғиндим.

Умр ўтар ҳушу беҳуш,
Кўксим узра йиғлар бир қуш,
Ҳижрон дилимга урди ниш,
Нишқ - дорингизни соғиндим.

Акам, Отам - қиблагоним,
Волидам - йўқотган моҳим,
Сизни излаб топмам роҳим,
Файз тарингизни соғиндим.

Ғашмат кун, дер эдингиз,
Кундан дур тер, дер эдингиз,
Воҳ, билмай қолди қизингиз...
Сўз-торингизни соғиндим.

Ёлгон экан бу дунёлар,
Юракхўр экан риёлар,
Ғафлатга тутқун зиёлар,
Ҳақ - корингизни соғиндим.

Аяжоним, жоним менинг,
Сизсиз ғариб - борим менинг,
Сизнинг ҳеч ким келолмас тенг -
Ашъорингизни соғиндим.

Рухингиз йўқлағум ҳар дам,
Раҳмат қилсин ўзи Эгам,
Ҳокисорим отам, акам...
Оҳ! Барингизни соғиндим...

ҚИСМАТ

Гоҳо қочгинг келар ҳаммадан,
Ҳаво беҳуд, ғамларинг намчил,
Сохтадайн гоҳи ҳамдард ҳам,
Ўз-ўзига йиғлайди кўнгли.

Бошинг олиб кетсанг йироққа,
Туриларга айтсанг дардингни.
Юрак маҳтал битта чироққа,
Вақт синайди гўё сабрингни.

Ёлғизликка сизинсан гоҳ,
Шодликларни тарк айлайди дил,
Ҳар қадамда бўларсан огоҳ,
Қисмат - ўздан қочмоқлик мушкул.

СИЗГА...

(Турмуш ўртоғингизга)

Соғинаман кўрган сайин кўзларингиз,
Дилга ёқар малҳамдайн сўзларингиз.
Юрак титрар йўқотмай деб изларингиз,
Тангрим, сизни балолардан асрасин.

Бардошмини синар ҳижрон элчиси гоҳ,
Сиртмоғини ўпиб яшар бўғзимда оҳ.
Мени чоҳга таилаб ўзи имлайди моҳ,
Меҳрим сизни балолардан асрасин.

Ё биласиз, ё билмайсиз забун ҳолим,
Ўз-ўзимга ёт бўлдим-ей, бўлдим золим.
Йўлингизга жоним қўйдим, етмас молим,
Жоним сизни балолардан асрасин.

Меҳрингизни офтобда сел бўлдим мен,
Лайлиларингиз карвонига эл бўлдим мен,
Санобар дер, сизни кўрач, қул бўлдим мен,
Тангрим сизни жафолардан асрасин.

ПАНОҲ

Мен оловни сўйдим, мен тошни сўйдим,
Юракимни отдим йўлбарс қолмига,
Тоғлар эриб оқди, оловлар қўйди,
Дил қуюлди йўлбарс кўзин жомига.

Энди андуҳ йироқ, армонлар олис,
Мен яшай бошладим бахтга ҳамсоя,
Энди мени асрар олов, тош холис,
Рухимни йўлбарслар этар ҳимоя.



ИСТИҒФОР

Кунларимнинг ярми ёруғ, ярми қародур,
Хаёллариб либоси оқ, бағри яродур,
Умр йўли синовлару сароб ародур,
Тангрим, яхшилик соғинган жоним сенки.

Гоҳи ўқтам, гоҳи руҳсиз қадам менингдир,
Гоҳи аччиқ, гоҳи ширин калом менингдир,
Неки Сендан келса, шукр, салом менингдир,
Тангрим, яхшилик соғинган жоним сенки.

Йўл билганнинг манзиллари равон бўлгувси,
Йиқилганни сўянлар омон бўлгувси,
Дил тиланнинг орзулари армон бўлгувси,
Тангрим, яхшилик соғинган жоним сенки.

Мен не дедим, мен не қилдим - ҳакамсан, эгам,
Муттаҳаҳама эзилмадим, олтин-зарга ҳам.
Саждаоҳим, Санобара ўзинг қўл қарам,
Тангрим, яхшилик соғинган жоним сенки.



БОБО ВА МОМО МАДҲИЯСИ

Ҳикмат тўла сўзингизда,
Қувонч қақнар кўзингизда,
Нур ёғилар юзингизда,
Болаларимнинг бобоси,
Жигарбандларим момоси.

Отам ўрнида отасиз,
Онам ўрнида онасиз,
Биз ҳам сизга бир эрка қиз,
Кўнглимизнинг дурдонаси,
Набиралар парвонаси.

Фарзандларига жон берган,
Илм берган, макон берган,
Бахт йўлида имжон берган,
Ўзингиздир дил пораси,
Кўзимиз оқу қораси.

Гоҳи танбех бериб толган,
Гоҳ ғавғолар ичра қолган,
Гина бўлса ортга солган,
Келиб қолганда хонаси,
Ўзбекнинг ота-онаси.

Сочимизга тушса ҳам оқ,
Кўзимиз бўлса хирароқ,
"Боламсан" деб севган ҳар чок,
Одамзотнинг аълоси,
Сиз-ла ҳаётнинг маъноси.

Данагидан мағзин суйган,
Бетоб бўлса "ичи куйган",
Гўдакларга меҳр туйган,
Болаларимнинг бобоси,
Жигарбандларим момоси.

Тўққуз фарзанд - тўққизта тоғ,
Қалқон тулар сизга ҳар чоғ,
Ўтанингизда шул чироғ,
Юрак қонингиз шуъласи,
Сиздек аъзамнинг боласи.

Юз ёшларни кўринг, илло,
Тўйларга етказсин худо,
Умрингиз таратсин зиё,
Сизга қурбон жон толаси,
Сўзимнинг йўқ беғонаси,
Болаларимнинг бобоси,
Жигарбандларим момоси.

**Қулоққа
чалган
гаплар**

Ҳар куни эрталаб қизимни болалар боғ-часига олиб бориш муаммо. Чунки йўлнинг нариги юзидидаги дўкончага ўтиб конфет, ёки сақич олиб беришимиз керак. Ҳар қалай бугун сақич билан кифояландик. Мен хархашадан қутулганимга, қизчам қоғозидан чиройли суврати бор сақичга эга бўлганига хурсанд ҳолда кетаётган эдик. Оғзини тўлдирганича узук-юлуқ савол бериб кетаётган қизимга "ҳа", "йўқ" бўпти деб кетарканман хаёлимни биздан уч-тўрт қадам нарида кетаётган қўшни аёлларнинг суҳбатлари бўлди:

- Кеча мактабда ота-оналар мажлисида кўринмадингиз? - сўради Адолат она.
- Ҳа, бироз мазам бўлмади қолди, боролмадим, - ноҳуш бир нарсани эслагандай жавоб берди Гулбахор келин.
- Вой, ёш нарса касал бўлдим деса ярашмас экан. Айни ўйнаб-қуладиган даврда касал бўлишга нима бор?
- Ҳа, энди иссиқ жон, ҳамманиям ўзига яраша муаммоси бор-да она...
- Кулгимни қистатманг. Муаммоингиз нимаси. Иккитагина болангиз бўлса, едириб-ичириш, кийинтиришдан бошқа ташвишингиз бўлмаса. Мана муаммонинг каттаси менда. Катта келинимни боласига қарасам,

БЕФАРҚЛИК ОҚИБАТИ

кичиги қовоғини солади, кичигининг боласини кўпроқ эркалатсам каттасининг қовоқ - тумшуги осилиб кетади. Қайси бирига бўлишимни билмайман Гулбахорхон.
- Сизни дардингиз енгил экан, менкининг давоси йўқ. Чунки кўнглим қоп-қора, чироқ ёкса ёришмайди.
- Касалман, дардим бор, деявермасдан очкироқ гапирсангиз-чи. Нима, эрингиз бошқа аёлни топиб олдим?
- Йўғ-э, шундай бўлса қошқийди. Гап қизим Наргизга ҳақида.
- Наргизга нима қилпти? Биноийдай қиз. Мактабни энг олди қизларидан.
- Шундайку-я, лекин... Ҳа, майли сизга айтмасам бўлмайди.

Гулбахор онанинг ҳикоясини жуда-жуда билгим келарди. Шунинг учун иложи борича уларга қажинроқ юришга ҳаракат қилиб, илдамладим.
- Қайсинглим Матлуба эри билан келишолмай икки нафар қизчаси билан бизни кига кўчиб келди. Узингизга маълум уч хонали "дом" да қайнона-қайнотам билан бирга турамиз. Уйимизнинг бир хонасини Матлубага бўшатиб бердик. Қизлари билан жойлашиб олди. Ўша пайтда Матлуба аёлларни ҳомиладор бўлишдан асровчи "ригевидон" таблеткасини ичиб юрарди. Бизни кига келиб 3-4 кундан кейин ичмай қўйди. Агар кўрган бўлсангиз жуда ҳам чиройли қўтичага жойлашган дори, ҳавасингиз келади. Ригевидон ҳали хонтахта, телевизор, холодидлик устида қолиб кетар, ҳеч ким унга эътибор бермасди. Бир куни қизим: "Ойи, мен ширин дори ичялман, дея мактабни қолди. Қанақа дори ичялсангиз? Ким берди? - дея сўрасам, "аммам ичмай қўйган дори бор-ку, шунки," - дея бўшаган дори қўтисини олиб келди. Ўша дамдаёқ ўзимдан кетиб қолдим. Қизимни шифокорларга кўрсатиб, ичини ювдирдик. Докторлар бефарқлигим учун мени роса койишди. Мен эса бефаросат қайсинглим билан тўйгунимча жанжаллашдим. Чунки унинг иккита қақажон қизлари ҳар куни "жуда ҳам ширин дори, ичанган аччиқ эмас", - деб 4-5 тасини бирдангига ичириб юборар экан. Ҳозир ҳеч кимнинг гагини кўтара олмайдиған бўлиб қолганман. Сал гапга ўзимдан кетиб, юрагим ёмон бўлиб қолади. Қизим улғайиб, турмушга чикса нима бўларкин деган ҳадик менга тинчлик бермайди.

Икки аёл суҳбатлашиб муолишдаги нон дўконига кириб кетишгач, қизимни болалар боғчасига ташладим-у, ишга ҳам бормасдан уйга қайтдим. Чунки бир талай дориллар солинган қўтича шундоққина тоқча устида қолиб кетганди...

Ушбу аёлларнинг суҳбатини эшитиб аёл киши қанча зийрак ҳамда фаросатли бўлса, бу ўзи ва оиласи учун энг катта бойлик эканига амин бўлдим.

«Ўзбекистон» телеканали дастурида журналист Норқобил Жалил муаллифлик қилган «Яхшилик» телешоуси оз фурсат ичида катта кичикнинг севимли кўрсатувига айланди. Яқинда тахририятимиз ва «Яхшилик» кўрсатуви ўртасида ижодий ҳамкорлик бошланди. Қуйида «Яхшилик» нинг ўтган сонидида намойиш этилган воқеалар чоп этилмоқда.

ЮЗИМИЗ ЁРУҒ БЎЛАДИ

«Бундан бир неча йил аввал фарзандсизлик туфайли Тошкентдаги «Оила ва никоҳ» илмий-текшириш институтида ётдим. Бир кун ярим тунда даволочви врач Феруза опа Файзиева хонамига кириб келиб мени уйғотди ва: «Жон синглим, тез бўлинг, менга ёрдам беринг», - дея учинчи қаватга - тугруқ бўлимига олиб чиқди. Ўзим кўмакка муҳтож бўлсам, қандай ёрдам бераман? - дея ҳайрон бўлдим, Феруза опа бир палатада

шининг аҳволидан хабардор бўлган врач: «Аяқон, майли оламан, лекин кўзингизга таъсир қилади-ку, сизга мумкин эмас», - десаям: «Йўқ, келиним билан набирам омон қолса бўлди. Кўр бўлиб қолсам ҳам розиман», деб қўймайди. Охири қон олиб қўйишди. Қайнонам ташқарига чиқиб, хушидан кетди. Уч кундан кейин келин анча ўзига келди. Бир кечакундузда ишонасизми, Пайариқда учинчи гуруҳ қони бор одамларнинг юзга яқини келиб турди. Худого шукр, келин ҳам, чақалоқ ҳам омон қолди. Қайнонам ва дўхтирлар тириклик ва яхшилик устун келгани учун яхши ниятлар билан чақалоққа Голибжон деб исми қўйишди. Бу жонфидо онахон ким? Танийсизларми? Самарқанд тумани, Нодирабегим кўчаси, 7-уйда яшовчи Гулёра Шодиева бўладилар. Шу баҳона оғир кунларда бизларга елкадош бўлган пайариқлик барча инсонларга раҳмат айтмоқчиман.

Баҳоидир

Пайариқ тумани



**ҲИҚМАТ ИЗЛАГАНГА
ҲИҚМАТДИР ДУНЁ**



беҳуш ётган аёл ёнига мени олиб бориб, билгимдан қон олиб, унга қуя бошлади. Бир пайт ҳалиги аёл ўзига келди. Сўнг мени ҳам етаклаб чиқиб, ўз жойимга ётқизишди. Эртаси кун Феруза опа хурсанд бўлиб келиб, пешонамдан ўпди-да: «Сингилжон, биламан, ўзингиз камқонсиз, лекин нима қилай, иккимиз қон бермасак, ўша аёлнинг 5 фарзанди етим қоларди. Касалхона бўйича, сизу-мендан бошқа биринчи гуруҳ қони бор одам ҳам йўқ экан. Жудаям катта яхшилик қилдингиз, раҳмат. Ахир сиз ҳам яхши ниятда шу даргоҳда ётибсиз-ку. Ҳали кўрасиз, худо ўзингизни ёруғ қилади», - деб чиқиб кетди. Яратганининг қудратини қаран-ки, бир йилдан сўнг - Фотима - Хусанларим худди шу даргоҳда дунёга келди. Айтишга осон. Бу кунни 12 йил интиқ кутган эдим. Эл-улус олдиди юзимиз ёруғ бўлди. Мен ўшанда бир ҳақиқатга ишондим, кимга бўлишидан қатъий назар, агар беминнат яхшилик қилсак, барибир қайтар экан.

Лутфиниса ОДИЛОВА.
Тошкент шаҳри

ЖОНФИДО ҚАЙНОНА

«1997 йил 20 июлда қайним Илҳомжон ўғил кўрди. Ҳаммамиз қайнонамникида эдик. Бир пайт телефон жиринглаб, келинимиз Нилуфарнинг аҳволи оғирлашиб, қон кетиши тўхтамаётгани ҳақида эшитдик. Тугруқхонага югурдик. Шифокор зудлик билан кўп миқдорда қон топиш кераклигини айтиди. Кимники тўғри келади, деб ўтириш йўқ. Ярим тунда бутун маҳалла оёққа турди. Қайнонам бечора ҳаммага ялиниб йиғлайди. Ўзиям биллагини тугриб, дўхтирга ёлворади: «Менинг қоним қанча керак бўлса олинглар», - деб. У ки-

**БИРОВГА ЯХШИЛИК
ҚИЛСАНГИЗ...**

Мухаббат опа деган жуда меҳрибон, раҳмдлик бир аёл бор. Унинг кўшини қарздор бўлиб қолибди. Мухаббат опа шу эру хотинни меникига етаклаб келиб: «Шулarga ёрдам берайлик», - деди. Хуллас, «Халол одамларга ўхшайди», - деб асраб қўйган маблағимни бериб юбордим. «Узоғи билан тўрт ойда қайтарамиз», - дейишди. Ҳаммаси кейин бошланди. Қўл билан бериб, оёқ билан югурдим. Айтсам ишонмайсиз. Аввал маҳалла, кейин мелиса, охири судгача аралашди. Улар бўлса ҳар-ҳар замон икки-уч минг сўмдан бериб қўйишди. Хуллас, қилган яхшилигимга минг пушаймон бўлиб, ўзимни қийиман. Охири қолган пайларимдан кечдим. Бу бир сабоқ бўлди.

Энди иккинчи воқеа. Ўтган йили Темир йўл касалхонасига тушиб қолдим. Ёнимда энди операциядан чиққан қирқ ёшлардаги бир аёл ҳам бор эди. Қарайдигани йўқлиги учун овқати, чойини едириб-ичириб кўярдим. Суяб етаклаб юрардим. Пул керак бўлса бериб турдим. Бир кун мени врачлар кардиограмма қилишга чақирди. Қайтиб келсам, сумкам титкиланган, ичидаги пулларим йўқ. Палатадошимдан: «Ким кирди? Хонада эдингизми?», десам: «Билмадим, кўзим илинибди, бирорта ҳамшира олгандир-да ҳамённи», - деди бамайлихотир. Дардимни ичимга ютдим. Ҳеч кимга айтмадим. Энди сизларга бир саволим бор. Бу ҳолатларни нима деб аташ мумкин? Бировга яхшилик қилсанг-у, ёмонлик яна шу одамдан қайтиб турса? Охири яхшилик қилишга ҳам иккиланиб қолар экансиз.

Ўғилой АЗИЗОВА
Миробод тумани



ЎША ОДАМ ЗОРА ИНСОҒГА КЕЛСА...

Шу йилнинг биринчи август кунни ишхонадан ойлик маошим ва ярим йиллик учун бериладиган қўшимча иш ҳақим, жами 74 минг сўм пул олиб, уч киши бўлиб, Ойбек метроси ёнида бир «Жигули» машинасида уйга қайтаётгандик. Шерикларимдан бири Муқимий маҳалласида яшар-

ди. Уни қолдираман десак, «Уйга киришлар, бир маслаҳат бор», - деб қўймади. Хайдовчидан кутиб туришини илтимос қилсак: «Бемалол, кутиб тураман!», - деди. Орадан ўн дақиқа ҳам вақт ўтмади. Чиксак, ҳалиги машина йўқ. Рақамига эътибор бермабмиз. Мен пуллар солинган сумкамни, уйим ва ишхонам қалитларини, ён дафтарчамни ўриндиқда қолдиргандим. Ким билади, балки яна бирор йўловчи яқинроққа ташлаб келинг, деган бўлса, кетгандир. Қайтиб келар, деб икки соатча кутиб ўтирдик. Энг ёмони, шу пулга болаларимга янги ўқув йили учун кийим-кечаклар олиб бераман, деб ваъда берувдим. Ниятим, менинг ҳолатимни тушунасо зора инсофага келиб, олиб кетган нарсаларимни қайтариб келса! Мен у кишини кечираман, ҳеч қандай даъво ҳам қилмайман. Мендан уялса, майли сизларга қўнғироқ қилсин».

Зокиржон

Азиз мухлис! Юқорида сизнинг ҳукмингизга тўртта тақдир эгаларининг кўрган яхшиликлари ва ёмонликлари ҳақида сўзловчи мактубларни ҳавола этдик. Ушбу воқеалар ҳақида «Яхшилик» телешоуси орқали турли фикр-мулоҳазалар билдирилди, баҳс-мунозаралар юритилди. Биз ҳам «Оила ва жамият» мухлисларини ушбу воқеалар юзасидан мунозарага чорламоқчимиз. Фикр-мулоҳазаларингизни кутамиз.

Т. НОРИМОВ тайёрлади.

**СИЗ ГЎЗАЛСИЗ,
МУЗТАРИБ**

- Аслида инсон кечиримли бўлиши керак экан. Сиз бунга нима дейсиз? - дея дабдурустдан сўз бошлади қўнғироқ қилган аёл.
- **Ҳа, кечиримли бўлиш ҳам иродалиликни билдиради, - дея унинг фикрига қўшилдим. - Кечирасиз, бировдан каттиқ ранжиганга ўхшайсиз?**
- Мен ҳам яхши ниятлар билан, туманда яшайдиган узоқ бир қариндошимизнинг ўғли - Муроджон исми йигитга турмушга чиққан эдим. Тўйдан кейин бир-икки ойгина яхши яшадик. Аввал ҳеч кимни севмаганман. Китобни кўп мутоала қилганимданми, муҳаббат деган туйғу мен учун жуда табарруқ ва мақадас эди. Ҳар дақиқа мазмун маънога айлана бораётган бахтли кунларим аста-секин ўз сеҳрини йўқота бошлади. Муроджон акам мени хушламай қолди. Ҳар бир ишимдан камчилик топар, нима қилсам ҳам ёқтирмасди. Авваллари оддий муомалаларимга тўнғиллаб-тўнғиллаб қўядиган эрим, бора-бора жуда қўпол гапирадиган бўлди. «Бунча хунқусан, нега юзингизда доғинг бор?» - деб жеркаверарди.
- **Уйланишдан олдин сиз билан учрашганми-ди?**
- Бир марта келиноним учраштириб қўйган эди. Коронги бўлгани учун менга яхши қарамаган бўлса керак.
Ширинсўзлик билан, саришта-озодалик, пазандалик билан қўнғилига йўл топишга ҳаракат қилардим. Аммо бировнинг меҳрини қозониш қийин экан. Шундай бўлса-да, мен уни севардим.
- **Қайнота-қайнонгиз билан муносабатингиз қандай эди. Улар сизларнинг муносабатларингизни сезишарми-ди?**
- Бундан қайнота-қайнонам хижолат бўлишарди. Мурросага келтиришмоқчи бўлишар, менга жуда яхши гапирарди. Оила қурганимизнинг тўртинчи ойида хомилдор эканлигимни сезиб қолдим. Хурсандчилигимни ичимга сифдирилмасди.
- **Муроджон бу хушхабарни қандай қабул қилди?**
- Мен неча бир ҳаяжон билан айтган гапимга индамай кўя қолди. Қўнғилсизлик гамга чидаш қийин экан.
Ота-онам мега Музтариб деб исм қўйишганда - музтар бўлиб, изти-роб чекиб яшасин деган экан шекилли. Она бўлиш бахти билан яшайётган кунларимда, эримнинг телефон орқали бир аёл билан тез-тез гаплашишини сезиб қолдим. Баъзи кунлари кеч келадиган одат ҳам чиқара бошлади. Кўпинча бошқа хонада ухлар, бир неча кунлар лом-лим демая юрар эди. Телефонда гаплашганда эса умуман бошқа қиёфага кирар, ўша онларда менинг бор-йўғимни ҳаёлига ҳам келтирмасди.

Қўнғироқларингиз...

Бир кунни уйда ҳеч ким йўқлигида телефон жиринглади. Гўшақни олсам, бир аёл. «Мендан барибир эримни тортиб ололмайсан. У мени яхши кўради. Бекорга яшаб юрибсан», дея гапир бошлади. «Кимсиз?» десам: «Муроднинг биринчи хотиниман», деди. Кўз олдим қоронғулашиб кетди. Уйдагиларга билдирмай, кеч бўлишини кутдим. Муроджон акам келгач, секин гап бошладим. Минг афсуски, «илоҳим ёлгон бўлиб чиқсин» деган илинжим ҳақиқатга айланди. У ҳаммасини тан олди. Менга билдирмасдан, хотинининг хиёнати туфайли ажрашиб кетган Муроджон акамга узатиб юборишган экан. Ота-онамдан жуда каттиқ ранжидим. Оилали бўлгач, юрагимда илк бор ҳис қилган туйғуларимнинг, юрагим остида кун сайин катта бўлиб бораётган норасиданинг етим бўлиб қолишига сабабчи бўлган ота-онамдан жуда каттиқ ҳафа бўлдим.
Муроджон акам хотинини, 3 ёшли ўғлини жуда яхши кўрар экан. Мен энди унга тўғаноқ бўлишга ҳақим йўқ эди. Кетишга қарор қилдим. «Севган инсонингизни ҳаётда бахтли кўриш ҳам бахт» деган Лев Толстой. Мен бахтлиман, чунки севганим бахтли, оиласи билан яшаяпти. Тўғри, бу йўлда жуда кўп нарсаларни бой беришга тўғри келди. Айниқса, қизимнинг ота меҳрисиз катта бўлаётганидан эзилман. На чора, тақдирдан қутулиб бўлмайди. Баъзан ўйлаб қоламан. Уйланганини билганимдан кейин ҳам яшайверсам бўларми-ди деб, яшайверардим, агар у мени севганида. Аммо севилмаган аёл ҳеч қачон бахтли бўлмайди.
- **Бахтли бўлади, Музтариб. Дунёда фарзанд учун севимли бўлишдек бахт ҳам бор. Ота-онанинг меҳрини туюб яшаш шодумонлиги ҳам бор. Қолаверса, китобни севар экансиз, сизда гурур, ирода каби ноёб хислатлар бор экан. Мана шу туйғулар билан ҳам инсон гўзал. Шу неъматлар билан ҳам чиройли яшаш мумкин. Ҳаётга бўлган меҳру муҳаббатингиз сўнмасин, синглим.**

Хулқар ХОТАМБОЕВА

ЖИЯНИМНИНГ ЭРТАСИ НИМА БЎЛАДИ?



диган акамни ҳам алдаб, севгисини топтаб, ҳаётини захарлади. Акажонимга ҳиёнат қилди.

Ота-онамиз эса олий маълумотли,

нуфузли давлат ташкилотларида ишлайди. Келинлари эса уларни обрў-этиборига путур етказди. Дадам жиянимизда яна бир оила барбод бўлишини истамасди. Қолаверса, ўртада бола бор, келин инсофга кириб қолар, деган мақсадда уларни алоҳида ажратиб қўйишди. Лекин бу билан ҳеч нарса ўзгармади. Қиламан деган одам милтиқ тираб кўриқласанг ҳам ўз ишини қилиб кетавераркан. Ота-онасига хабар қилдик. Бироқ ота-онаси ҳам ўз қизини бу йўлдан қайтаролмади. Диёнатсиз келин инсофга кирмади. Акам тақдирга тан бериб ажрашди.

Ҳаётни фақат кайф-сафодан иборат деб билган янгамнинг тақдирини сизларни қизиқтираётгандир албатта. Минг афсуслар бўлсинки, янгам гүлдек оиласидан кечиб, шаҳарда алоҳида уйда ҳаётини шохона тарзда кўнгул хушлик билан ўтказаверди.

Мен эса уйда уриш-жанжал бўлмасин, деб янгамнинг тарафини олар ва кўп нарсани яширардим. Ҳали ҳеч нарсага ақлим бориб етмаганди. Улғайиб катта бўлдим, шаҳарга ўқишга бордим.

Бу воқеа туфайли юрагим жуда ҳам эзилиб кетди. Ҳозир ёшим 19да. Оз бўлса-да яхши-ёмонни кўрдим, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тоғдим. Ҳамма нарсага ақлим етмайдиган бўлиб қолди.

Ушанда 12 ёшда эдим. Уйимизга узокдан (олий маълумотли) келин олиб келганимизда мен ҳам янгалик бўлганимдан бахтиёрликим ичимга сиғмас эди. Янгам нафақат уй-рўзгор ишларида балки дарсларини тайёрлашга ҳам ёрдам берарди. Ростини айтсам, мактабда дугоналарим менинг янгам борлигига ҳавас қилар эди. Янгам чиroyли, ширинсўз, хушфеъл эди. Айниқса акам хотинини жуда яхши кўрарди. Ҳаётда ҳар қандай қийинчиликларни енгишга ҳам тайёр эди у. Орада оила меваси бўлмиш қизчалик ҳам бўлишди.

Жиянчамни ер-у кўкка ишонмас, жуда ҳам яхши кўрардик. Биз энг бахтли оилалардан бири эдик. Аям янгамни ардоқлар, қизларига олиб бермаган кийимларини келингизга олиб берар, уйларига тез-тез жўнаиб турар, хуллас беминнат хизмат кўрсатарди.

Ҳатто, ўз мутахассислиги бўйича (акушер) ишга ҳам жойлаштириб қўйдик. Ҳаммаси шундан бошланди. Билмадим, балки янгамни дугоналари бузгандир. Балки эркинлигини ошириб юборган биз айбдордирми. Балки ҳақиқатан ҳам севиб қолгандир. У эмас, бу эмас айниди янгам. Аям, дадамлар келинларини орқаворотдан енгил оёқлигини эшитиб акамга айтганда тан олмади. Ҳаммасидан кўра акамга кўпроқ ичим ачийди. Янгам содда, ишонувчан, уйим-жойим дейдиган, қўлида гул-гул хунари бор, урмайдиган сўкмай-

Оқ-қорани таниб, яхши ва ёмонни ажрата оладиган бўлдим. Фалақнинг гардишини қарангки, шаҳарда жиянимни учратдим. Кўзларимга ишонмас эдим. Ахир минг онаси ёмон бўлса ҳам мени жиянимда, бизнинг қонимиз унинг томирида оқмоқда. Кувончимдан кўзимдан тиркираб ёш оқиб кетди. У 6 ёшга тўлган эди. Уни ботқасига бориб топдим. Чунки, янгамни қуришдан нафратланар эдим. Жиянимни ҳар кун бориб кўра, унга ширинликлар ўйинчоқлар олиб берардим. Унинг мунгли нингоҳида нималардир яширингандек эди. У аммасини тонганидан хурсанд, мени уйларига боришимни, бирга яйрашимизни бот-бот такрорларди. «Дадам ким, келадими?» - деб сўраганимда «иккинчи дадаси тез-тез келиб туришини, ҳар келганда, уларга кўп, жуда кўп пул ташлаб кетишини, байрамларни бирга ўтказишини, уйларида тез-тез базмлар бўлишини айтиб, мени изтиробга солди. Ҳайҳот, ўз суйган дадаси бўла турган ўзгани «дада» деб айтдирган хотинни нима деб аташ мумкин? Яна жияним: «Дадам мендан кўра аямни кўпроқ яхши кўради, аямга кўпроқ нарсалар олиб келади» - деди.

Ҳозир балки она бахтлидир, ўзича бахтиёрдир. Нафс ботқоғига ботиб, ўз умрини ҳазон этган аёлга қандай қарайсиз? Энг ачинарлиси, фарзандининг тақдирини нима бўлади?!

Шуларни ўйлар эканман жажжи жиянимга ачинаман. Ахир унда не гуноҳ?

Лайло БОСИМОВА

Самарқанд шаҳри

Тошмига оғир савдолар тушди. Эрнинг ҳиёнати туфайли бир фарзандим билан уйдан чиқиб кетдим. Ота-онамнинг уйдан бошқа борадиган, сиғинадиган жойим йўқ эди. Эрнинг ҳиёнати оғир бўлар экан. Юрагимни минг исканжага солган азобларни унутишга қўйлардим. Ўзим билан ўзим бўлиб ёнардим, қуярдим. Бир кимса йўқ эдики, дардимни айта олсам... Гўё бутун олам мендан юз ўтиргандек, туюларди.

Ана шундай кунларнинг бирида «Оила ва жамият» газетасини ўқиб қолдим, шу билан қалбим таскин топди. Газета менинг ҳазон бўлган умримга мазмун бағишлади. Маслаҳатгўйим бўлиб қолди. Қўчиб юра-юра ёлғизгина қизимни уйимдан эмас, ижарадан узатдим. Уйсиз аёлнинг ижарадан қиз узатиши ҳам осон эмас. Шу кунлардаги азобимни бир ўзим у билан Оллоҳ билади, холос.

Лекин, ўша вақтда ҳам «Оила ва жамият» сотиб олишни унутмасдим. Вақт ўтиши билан ёлғиз қолганим билинди. Яқинларим эса: «Сен энди турмушга чиқкин», - деб маслаҳат беришарди.

Шундай қилиб кунларнинг бирида турмушга ҳам чиқдим. Аммо, ўзимни тубсиз жарликка ташлаганимни кейин, кеч бўлгандагина англадим. Қийинчиликлардан-ку, сира нолиган эмасман. Аммо, бу ерда кўнглим шу қадар ўксинардики... Мен кеч бўлса-да, бахтга эришарман, меҳр кўрарман, - деб ўйлардим. Йўқ, янглишган эканман.

Авал ўзим ишлаб, пул толиб сарф-

онасининг ўрнига она бўлиб келган аёлни, хўрлашдан тортинмайди. «Юзингда кўзинг борми?» - демайди. Уйда каттадан тортиб олти ёшли боласигача менга иш буюришади. «Фалончи опа нега овқат қилмадингиз? Менга овқат сузиб бering. Нега молларга қарамадингиз?» - деб турса, жуда алам қиларкан. Бундай гапларга оила бошлиғи, яъни, эрим мутлақо бепарво. Бу ҳам майли-я, ёлғизгина қизимни ҳам, қариндошларимни ҳам, бориб кўра олмайман. Мени аслида келин эмас, бир хизматкор сифатида бу уйга олиб келишган экан. Менинг ҳам шу кунгача ўз ҳаётим, ўз яқинларим бўлган-ку, ахир. Улар бу ҳақда уйлашмайди, ҳам.

Наҳотки, аёл иккинчи бор турмуш курган аёлнинг ўз онаси, қариндошлари билан борди- келди қилиши гуноҳ саналса?...

Шу уйда яшаётганимга бир йил бўлди. Аммо яқинларим бу оила билан ҳануз таниш эмас. Эримга бу ҳақда айтсам, энсаси қотади. «Тўй-пўй қилсанг шунда келишар», - дейди. Ахир тўй қилишимизга ҳали уч йил бор. Неварамиз ўч ёшга тўлсагина тўй қилар эканмиз. Қизим эса Худога шукр, яқинда ўзи уйлик-жойлик бўлди. Энди бор умидим шуларнинг бахтини кўриш. Аммо, шу боламни ҳам бориб кўра олганимга қуяман.

Ҳаёт дегани бир айлантиргани чир айлантирар экан. Урим. ҳаётимнинг гул даври ижараларда, ҳар кимлар-

БИР ХИЗМАТКОР КАБИМАН...



лардим. Ҳозир ишлатишмайди. Оиламиз бадавлат. Аммо, бойларнинг нони миннатли бўларкан.

Буни кеч тушундим. Турмуш ўртоғим пулдор бўлса-да, бир тийиннинг устида етти юмалайдиганлардан экан. У ҳатто газета сотиб олиш учун ҳам пулни тўнғиллаб-тўнғиллаб беради. Бу ҳам етмаганидек, унинг аввалги хотинидан бўлган болалари ҳам бирга яшайди. Уларнинг олдида эримнинг тили қисик, ортиқча гапиролмайди ҳам. Оилада эрнинг хурмати бўлмаса, аёлининг ҳам хурмати бўлмас экан. Уйда мен қайнона эмас, келиндекман, гуё.

Эримнинг ўғли хотинига қўшиб мени ҳам сўқади. Беш боланинг отаси, катта бир ташкилотнинг раҳбари бўлган ўғилнинг қош-қовоғига қараш билан ўтди. Ёшим бир жойга борганда эса... Аёл борки уй-жой бўлишини орзу қилади. Мен уй ололмадим. Аммо, аёли вафот этган эркакка турмушга чиқиб, уй-рўзгорини обод қилишни ният қилгандим. Лекин, у ердаги ҳаёт бошқача экан. Фақат хўрликни бошдан кечираяман. Бош оlib чиқиб кетай десам... Яна дарбадарлик... Қизим билан кувёнимнинг олдида нима деган одам бўламан? Кимнинг уйига сиғаман?

Хуллас, юрагим тўла дарду-ҳасратни шу газетга айтиб сал енгил тортаман. Чунки, яқин одамларимдан ҳам яқинроқ маслаҳатгўйим шу. Унинг саҳифаларида дилномам босилиб чиқса, менга маслаҳат бергучилар бордир, - дея умид қилдим. Нима қилай, азизлар? Шу кўргуликларимга чидаб яшайверсаммикан?

Малика

Гулистон шаҳри

МЕҲР УЛАШАЙЛИК МЕҲРИБОНЛАРИМ

Ушанга йили 8 Март арафасида, онажонимга нима совға қилиш ҳақида баҳслашаётгандик. Сухбатимизни эшитиб қолган онам шундай деди: «Болажонларим-ей, ахир ҳар бирингизнинг ўзингиз мен учун совғасиз-ку, чунки, буюқ неъматим сизлар!» Кичкина укам Фирдавс эса: «Йўқ, ойижон айтинг, айта қолинг», - деб хархаша қилгач: «Хўп, майли айтаман. Унда эшитинглар. Дунёда

шундай нарса борки, мен йиллар давомида ўшанга интилдим. Ўшанга эзорикиб яшадим. Курбингиз етса, менга шуни совға қилинглар»...

Уччаламиз ҳам ўйлаиб қолдик. Шунда укам Феруз секингина онажоним бўйнидан кўчиб қулоғига шивирлади. Онамиз эса Кувончдан кўзларига ёш келиб, укамни бағрига босди. «Ақллигинам, зуккогинам», - деди. Кичкина укам эса «жумбоқ» совгани нималигини тополмай йилларди.

Феруз унга тушунтира кетди: «Қўлинг билан ушломмайсан, кўзинг билан кўролмайсан, хоҳласанг уни бера оласан. Ҳа, бу олий совға онажоним йиллар бўйи таптиниб яшаган «меҳр» эди.

Илгари биз қишлоқда яшардик. Қўшимиз Ҳадича ая, бувим билан тенгқур аёл, оиламизни сирдоши ва дўсти эди. У кишининг панд-насихатларини, ибратомуз суҳбатларини гоҳида эшитиб қолардим. Тунлари онамиз қизиқарли хикоялар ва Ҳадича ая ўғитларидан айтиб берарди. Ўша аёлдаги сабр-тоқат, вафо ҳаммага бирдек ёқар, уларнинг

оиласига барча ҳавас қиларди. Отадан эрта етим қолган фарзандларини уйли-жойли қилиб, мукаммал инсон қилиб тарбиялади. Саратоннинг иссиқ кунларининг бирида онам кичкина укамни кўтариб аяни уйига боради. туш пайти, ҳамма кўннинг иссиғига чидалмай салқин уйларга кириб олган, кимдир уйқуда... Фақат ая ошхонада чўчава тугаркан. Шунда онам: «Холажон, бунча вақтли овқатга уннабсиз, салқин тушгач келинлар билан пиширсангиз бўларди-ку», - деди.

Келинлар дейсизми болам? Қўйинг уларни, кичкина келин

Нигоранинг боласи инжик, туни билан ухлагани йўқ. Боласи ухлаганида озгина ором ола қолсин. Катта келимин боққуш, давлат ишида ишлайди. Эрта кетиб, кеч қайтади. Бир кунгина дам ола қолсин. Эҳ, келинжон, рўзгорим тинч, осуда бўлсин десанг, ҳар бир фарзандингни ва уларнинг умр йўлдошини кўнглини топа билишинг керак.

Ўз онам ва қўшни ҳақида кўп ёзиш мумкин. Шундай аёллар кўпайсин. Мен уларни «Меҳр - муҳаббат маликаси», дея атагим келади.

Муҳаббат НУРИДИНОВА

Лазиза Диевона галадонини йиғиштириб туриб, ўзига аталган табрикномаларни кўлига олди. "Оилавий бахт тилаймиз" сўзига узоқ тикилди. Хўрсиниб бошини кўтарди. Кўзи сувда турган биллур гулдондаги гулга тушди. Ўзини шу гулдондаги гулнинг нимасигадир ўхшатиб "ух" тортди. Бу не аламки багрини ёндиради, бу не ўйловки, пушаймоннинг чегараси йўқ...

Лазиза ёшлигидан жуда эрка ўсди. Онаси ҳеч уринтирмас, қизим яхши ўссин деб, бирор иш буюрмасди. Бошқа бола кўриш мумкин бўлмаганлиги учун уни еру-кўкка ишонмас, жуда аярди. Дадаси бош прокурор бўлгани учун уларникига кўп меҳмон келарди. Қанча ёрдамчилар уларнинг хизматларига камарбаста эдилар. Лазизани "мен келин қиламан" дегувчилар кўп эди. Бунга сари онаси унга турли-туман кийимлари, тақинчоқлар олиб берарди.

У институтга дадасининг бир оғиз гапи билан киришини билар, орзуси тайёр мевадек эди. Хаёлида ҳамма нарса умрининг охиригача шундай бўлади деб ўйларди. Хаётда азоб-уқубат, оғрик, айрилиқ, кексалик, охират борлигини тушунмас, тан олмасди. "Бахтинг мол-давлатинг" деб онаси топганини қизига атарди.

Лазиза "бахт" ҳақида хаёл сурарди-ю, унинг замирида "меҳнат" борлигини англамасди.

Мактабни тугатиб, осонгина талаба бўлди. Прокурорнинг ёлғиз гўзал қизи талабаларнинг олд сафида ўқиди. Онаси доим "еб ола-қол", деб орқасидан овқат кўтариб юрарди. Кам еганлигидан хавотирланиб, бошқа овқатлар тайёрлаб, ялиниб, ёлвориб едирарди. Эҳ онажоним, қандоқ меҳрибон эдилар, хаёлидан ўтказди Лазиза Диевона. Турмушнинг икки-чакирлари кўз олдидан кино лентасидай ўтар экан, яна хаёллари онасига келиб тақалди. Аслида бахтсиз бўлганимга уларнинг жонкуярликлари сабаб эмасикан. Кўп китоблар ўқиди, мағзини чақди, кўп ажримларни кўриб чиқди. Билдики, кўпинча ёшлар ажралишди, бунга эса қудаларнинг турмушдаги майда гаплари сабаб бўлар экан. Оналарнинг ортиқча меҳрибонликлари, қизини аяши бахтсизлик келтирса, меҳнатга кўникма, хушмуомалалик ва саҳийлик "бахт калити" экан.

Лазиза институтни битириш арафасида, орқасидан юрадиган йигитлардан Санжарни танлади. Қудалар келишиб, Санжарнинг ота-онасини "ичкўёв"ликка кўндиришди.

Тўйдан кейин Лазиза прокуратурада, Санжар эса заводда муҳандис бўлиб ишлаб бошладилар. Улар бир-бирларини еру-кўкка ишонишмас. Лазиза келмаса Санжар, Санжар келмаса Лазиза овқат емай, кутиб ўтиришарди. Буни тушунган ота-онаси уларнинг аҳиллигидан ич-ичларидан қувонишар, бор жону ҳақларни шуларга нисор эди. Ховли катта, уй кўп, алоҳида хоналар улarga аталган эди. Овқат тайёр бўлган, онаси улarga алоҳида кўяр, "тортинмай енглар", деб халақит беришмасди.

Кўпинча Санжар кеч келар, ота-онаси, укаларидан хабар олар, улар учун куйиб-пишиб юрарди. Унинг бу қилиғи Лазизага ёқмас, эриш туюларди. Шу кўрimsиз уйини бунча соғинмаса? Хаёлидан ўтказар экан Санжар келган қовоқ-тумшук қилиб силталарди. Кутиб ўтирганини рўқач қилиб узундан-узоқ йиғлар, эркалик қилиб ота-онасига ҳам гапирмасди. Хурсанд бўлиб келган эрининг бир зумда кайфияти тушиб кетар, ялиниб унинг кўнглини олишга уринарди. "Ота-она-

сини соғинганини, айниқса укасининг унга кетманг" деб йиғлашдан эзилаётганини ҳар сафар ётиги билан тушунтиришга уринарди. Лазизани ўзини ҳам уларникига боришга кистарди. Йўқ, бунга сари у тушуниш ўрнига баттар қайнотақайнонасиникига бормасди. Чунки, Лазиза учун бир жойга бориб кўнгили олиш, ниманидир совға қилиб элтиш, бериш бахти бего-

ҲИКОЯ

БИЛДҮР ГУЛДОНДАГИ



на эди.

Ёлбориш, тушунтиришнинг ҳам чегараси бўлиши керак. Санжар ўз уйига кам борадиган бўлди. Нимагадир Лазизага ҳам кам меҳр бўлиб, хомуш, бепарқ бўлиб қолди. Қон-қариндошлари тугилиб ўсган жойига меҳри йўқолган инсон, бировга ҳам содиқлик қилмайди.

Лазиза ўғилчалари Зафаржон тугилишида жуда қийналди. Ҳаммаларини қон қилди. Онаси врачларга юғуравериб, йиғлаб бир ёқлик бўлди. Шу воқеадан кейин-ку, онаси унинг қўлини совуқ сувга урдирмай қўйди. Эрига буйруқомуз иш буюрар, буни Санжар ҳеч хазм қилолмас эди. Зафаржон энди тетапола бўлиб, "дада, дада" деб тил чикарганда улар орасида гиди-биди кўпайиб қолди. Айниқса Лазизанинг дадалари дам олишга кетганларида жуда авжга чиқди.

Унинг қўлидан бир иш келмас, уёққа ўтса ҳам, бу ёққа ўтса ҳам бир нарса синдиради, пиширган овқатини оғизга олиб бўлмас эди. Асабийлашиб, Зафаржонга қўшиб Санжарни ҳам силтаб, бир нишини тикиб оларди. Лекин Санжар бунга сира кўника олмас, уйларида ясаи дадасини жуда хўрмат қиларди. Улар беш ака-ука эдилар. Санжар энг каттаси учунми, "ака" деб сизлаб жуда хўрмат қилардилар. Энг кичкина укаси "кетманг" деб йиғлаб қолар, буни кўрган Лазиза меҳрсизларча бурнини жийриб қўйган эди. Жанжал қайнота, қайнонаси келадиган куни катта бўлди. Улар телефондан қачон келишини айтиб, Санжарга мошин билан чиқиб кутиб олишини тайинлашди. Шунга шошаётганди:

- Санжар, болани тувакка ўтказинг!

Телевизор кўриб ўтирган Санжарнинг миёсида "уйда аёл ҳўкмон бўлдимми, эркакка ўрин йўқ", деган фикр ғўжгон ўйнаб жаҳл аралаш бақирди.

- Ўзингиз қилинг.

- Ўласизми, қилсангиз. Худо олсин текинхўр, тайёр уй-жойларга ўтириб, қорнини сувини кимирлатгиси келмайди, яна бақиргани ортиқча.

Йигитлик ори, ғурури банд келди, ўзиям анчадан бери ичкўёвликдан безган, ҳар қунги таъна-маломатлар жони-

га теккан эди. Ўқталиб гапирётган хотинини бор кучи билан итариб юборди. Лазиза диван раҳига бориб ёмон урилди. Санжар талмовсираб, энди овутмоқчи бўлганда, ирғиб туриб Лазиза кўлига илинган нарсани эрига қарата ота бошлади.

Аёл кишидан таёқ ейдиган аҳмоқ йўқ.

Санжарнинг орзуси дадасидек ишдан кейин дам олиб ётса, хотини

IV

аёлларга хос назокат билан ошхонада уймалашса. "Дадаси, дадаси" деб хўрматини жойига қўйса. Ана шунда "жон" деб қарашарди ҳам. Қалбидаги армон пуфаги Лазизанинг ҳақоратомуз гапларидан пақ этиб ёрилди. Кўзига ҳеч нарса кўринмай қолган Санжарни ёмон гаплар қўртириб юборди. Ҳеч қўл кўтармайдиган йигит хотинини бор кучи билан аямай тепди. Бирдан миёсига "ўлдириб қўйсам-а" дедю, калит баҳона, ҳансираб қўлчи олди. Орқасига ҳам қарамай, қайнона ва қайнонасини кутиб олгани аэропортга кетди.

Умида таёқ кўрмаган, гулдай парвариллаб ўстирилган қиз, бу хўрликни ақлига сифдиролмайдиган полда ётаверди. Унинг хаёли фақат ажралиш эди. Ушанда эри урганини яшириб, ҳеч нарса бўлмагандек ота-онасини кутиб олса бўлар эди. Уйни йиғиштириб ўзига қараш ўрнига дада, ясаи уйга кирмагунча полда ўтираверди.

Соғлигини тиклаш, даволаниб дам олиш учун кетган ота-онани озроқ аяганда, жиллакурса кулиб кутиб олганда, ўзининг ҳам бахти бўлармиди. Аёл турмушини бир олам деб тушунса, унга сажда қилиб яшасагина умрбод қалбига армон ҳўкмонлик қилмас экан.

Ота-она қизларини бу аҳволда кўриб жонлари халқумига келди. Онаси Санжарга ёмон қараш қилди. Дадаси ва эри чиқиб кетишди. Она-бола куёвни қаргаб, уввос солиб йиғладилар. Онаси ҳансираб йиғидан ғўхтаб:

- Урдими, бўлди, у билан яшамайсан, ўлдириб қўяди, ўлдириб, деди.

- Сен аралашма, ўзиям пушаймон, кечирим сўрапти,- деди қайтиб кирган дадаси.

- Урган эр эр бўлмайди. Кўкариб кетгани қаранг,- деб чиқа солиб куёвнини кўчага ҳайдаб солди. Онаси ўқтам хотин эди, эрига ҳам сўзини ўтказарди.

Ораддан қанча вақт ўтса-да Санжарни кечирмадилар. Қуда тараф яраштирайлик деб, бир неча бор келишди, қўллар аралашди. Санжар соатлаб қўчада турар-

ди. Ялинди, ёлворди, "боламиз ҳаққи-хўрмати" деб кўп келди.

Ғурур, кек, қайсарлик, алам, манмансираш севгидан, жуфт яшаш бахтидан устун келди. Лазизанинг ярашмаслигига ишонч ҳосил қилган Санжар бошқага уйланди, бола-чақали бўлиб кетди.

Бу орада Лазизанинг дадаси вафот этди. Уйлар ҳувиллаб қолди. Аввалги меҳмон- мезмонлар, келди-кетди ўрнини мотам, вазминлик эгаллади. Онаси уни бошқа бировга тегиб, бахтли бўлишини, ўзига ўхшаб битта бола билан эмас катта ҳовлида неваралари чуғурлашиб кўпроқ бўлишини истарди.

У эса онасининг орзуларини эмас, ўч олиш учун кечани кеча, кундузни демай ишлади. Вақт эса кутиб турмайди. Ўғли Зафаржон энди студент бўлганида онаси юраги хасталаниб вафот этди. Ўқиши беш йил, ўртада ҳарбий хизматга кетди. Етти йил етти кун эмасди. Бир ўзи қаттиқ эрикарди. Ёлғизликдан лаззатланиш мумкин, аммо бахтли бўлиш мумкин эмасди. Байрамларни, ҳатто "Янги йилни" гоҳида бир ўзи телеэкран қаршисида кутарди. Кўпинча юмшоқ ўриндикда (креслода) ухлаб қоларди. Бўм-бўш қалби, сукунат уйда совуқдан жунжикиб, уйғониб, ёлғизликдан ваҳимага тушарди. Қизик одати, кўп одамни ёқтирмасди, шунинг учун уйга ҳам ҳеч кимни қақирмасди.

Бехосдан кечалар, ўтиришларда кўпчилик билан ўтириб қолса руҳи тушиб кетарди. Ўзидан паст ўқиган, хўнукроқ, камбағалроқ қизлар оила бекаси, сеvimли рафиқа, келин-куёв кўрган дугоналарини кўрса, булардан нима кам, дея изтиробга тушарди. Кўп ўйларди. Анча йил олдин онаси айтиб бергани ёдига тушди. Синфдош дугонаси Ёдгора қўшни келин бўлиб тушди. Бир куни қайнонаси ўқлов билан Ёдгорани кўчада урганини ҳамма қўшнилар кўради.

- Ёзиб бер, Лазиза ёрдам беради. Қайнонагни судга бер, дейишди.

Шунда у "оилам бузилади, эримнинг юзига қандай қарайман, болаларнинг отасини-ку", деб ажралмаганди. Мана, Ёдгора ҳозир хотин-қизлар қўмитасида маслаҳатчи, эри эса катта фермер, қанча одамлар қўлида ишлайди. Иккинчи қизини чиқаряпти. Лазизанинг ҳам унинг қизларига ҳаваси бор. Ўғли яқинда қизи борлигини айтди. Онаси яхши бўлсин, ўйларди Лазиза.

Ўғли битириб келган йили уйлантирди. Тўй вақтлари умуман эркаксизлиги билинди.

Келин қайнонага ўхшайди, деб бежиз айтилмаган экан. Лазиза Диевона келинининг ҳар бир қилиғи, гап-сўзида ўзининг ёшлигини кўрарди.

- Зафар ака ғўшворинг,- деган сўз тилидан тушмайди.

Йўқ, бунга қарши эмас, "ота кўрган ўқ йўнар, она кўрган тўн бичар". Ўғли ота тарбиясини кўрмаган эмасми, бозор-ўчар, эркакка хос буйруқни ҳам уддалай олмасди. Энди келини дашномлари, силтовларидан жони-жахони ўртанаяпти. Булар ёш-ўрга-тиш, насихат қилиш керак. Ёшлиқда адашиб қолиш умрбодлик ўртаниди, армон билан ўтар экан.

"Эҳ онажон, ўлдириб қўяди",- деб яраштирмаган эдингиз. Ҳозир ҳар бир кунда, бир ўлиб бир тириляпман-ку, онажон. Эссиз Санжар, эссиз умр, эссиз ота!...

Энди пушаймондан фойда йўқ. Қани энди ўтган умрни қайтариб бўлса!...

КЎЙТАН КЎНГИЛ

Мен сенинг кўчангдан ўтмасман зинҳор...
Абдулла ОРИПОВ

ди болалар.
- Ҳа, кўзичоқларим,
даданг ҳам келади,
уямизга кетамиз, - Ҳўрсинди Меҳри
хола.

Наргиза ҳар галгидай ишга йўл олар экан, чинор тагидаги соя-салқин ўриндиқча кўз қирини ташлади. Негадир бу сафар йигит билан қўзининг сўхбатлашиб ўтирганини кўриб ҳаваси келмади. Гўё буларнинг муҳаббатлари ҳам кузги япроқлар сингари чирт-чирт узилдиғандай туюлди.

Наҳотки севги севишганларнинг юрагига чўғ ташлаб, алангалатиш ўрнига уни кулга айлантариб бир умр кўйдириб ўтса? Наҳотки, биринкетин туғилган фарзандлар ҳам аросатда қолган муҳаббатнинг қурбонлари бўлсалар?

Эй, қодир Оллоҳ! Шунинг учун ҳам муҳаббатнинг кўзини кўр, қулогини қар қилиб яратганмидинг?... Муҳаббатнинг кўчасига ростгўйлик ва ишонч билан қадам қўйиб, ўнқир-чўнқир йўлларида адашиб юришни унга раво кўрганмидинг?...

Наргиза сўнгсиз уйлар гирдобиди ҳаётнинг ўнглаб бўлмас хатоларини тушуниб етгандай бўларди. Буларди-ю, оқар сувни ортига қайтариб бўлмаганидай, ўтаётган ҳаётини ҳам изга сололмасди. Бир вақтлар уни еру кўкларга кўтарган Бехзод бугун Наргизани ҳам, шириндан-шакар фарзандларини ҳам ўзидан узоқлаштираётганини сезмасди.

Болалар тарбияси билан уйда кўпроқ ўтириб қолган Наргиза Бехзод кўзига бошқачароқ кўринар, ўзига оро бериб юрган гўзал қизларни кўрганда ундан кўнгли совиб кетарди. Эри бора-бора ҳар хил нарсани баҳона қилиб ишдан кеч қайтадиган одат чиқарди. Инсон ҳаётда ўз ўрнини топгунча туртиниб-суртиниб яшайди. Бир тойиб йиқилса орқа олдига қараб, йиғиштириниб олади.

Лекин Бехзод ортига қарамади, атрофидаги одамлардан андиша қилмади. Тонган пули кўчага саф бўлаверди. Охири Наргиза кўлидаги ёшига етмаган норасидасини боғчага бериб ишга қайтди. Бехзоднинг ноҳўя қадам босишларини орқаверотдан эшитиб, ўзгарганлигининг сабабини англади. Лекин, арғамчини узун ташлади. Уртадаги беғуноҳ болаларнинг ҳаққи-хурмати сабр қилди. Бардош ва қаноатнинг чегараси бўларкан. Хиёнат ботқоғига ботган Бехзоднинг эса кўз олдини туман босган, узокни кўролмасди. Ҳаёти таҳқирланган Наргиза эса кўн-кўронини ортиб онасиникига кетишдан бошқа йил тополмади. Уртада қайнонага қийин бўлди. Маҳаллада бош кўтариб юролмайдиган бўлиб қолди. Набиралари кўз олдидан ўтиб, жигар-бағри эзилди. Оёқ-қўли энгил келинининг мунгли хечраси кўз олдига келди-ю, қудасиникига йўл олди. Дарвоза тагида ўйнаётган набираларини кўриб, юраги орзиқиб кетди.

Чугўрлашиб бувисининг қучоғига отилган болакайлар бирдан жим бўлиб қолишди. Меҳри холанинг кўз ёшлари юзини ювди.

- Бизни олиб кетгани келдингиз-а?
- Дадам ҳам келадими? - Бир бировига гал бермай саволга тутишар-

- Ҳа, кўзичоқларим, даданг ҳам келади, уямизга кетамиз, - Ҳўрсинди Меҳри хола.

- Қани болалар бувинг чарчаб келдилар. Бир ўйнаб келинглар, - Наргиза сўридаги хонтахта устига дастурхон ёза бошлади.

- Қудам кўринмайдими, болам.
- Ҳа, озгина пул йиққандим. Сардорингизнинг тўйига у-бу нарса олармиз деб бозорга тушиб кетганди.

Меҳри холанинг пешонасидан совуқ тер чиқиб кетди. Бир-икки йилдан кейин мактабга қирадиган ўғлига тўй қилишни ўйлаш ўрнига энгил-елпи ҳаётга берилиб кетган Бехзоднинг қилган қилмишидан ерга қаради.

- Болам, болали уй бозор экан, сизлар кетиб, бағрим ҳам ҳувиллаб қолди. Набираларим ҳам уйимизни соғинганга ўхшайди. Уғлимга ҳам инсоф кириб қолар. Ахир болалари катта бўлишяпти.

- Буви, қайтиб боролмайман, ҳар нима бўлгандаям кечирардим, лекин буни... - Наргизанинг овози титраб кетди. - Сизнинг раъингизни қайтармоқчи эмасман, лекин... сиз келиб туринг...
Наргиза томоғига бир нарса тикилгандай қолганини гапиролмади.

Меҳри хола мунгайиб қолган набираларидан кўзини узоқламай, ўрнидан кўзгалди. Уйга қандай етиб қолганини билмади. Ичини нимадир қуйдираётгандай эди. Она бўлиб ҳеч ўғлини қармамаганди. Бу сафар ширин ошига захар солган, болаларини тирқиратиб, хотинининг юзига оёқ босган ўғлидан қуйиниб "нимадир" деди. Лекин овози чиқмади.

... Наргиза қайнонаси келиб кетгач бошқача бўлиб қолди. "Ғалимдан кўнгли оғриб кетди", - дея ичи ачишди. "Бориб хабар олиб келсаммикан", - деб кўнглидан ўтказди-ю, Бехзод билан рўбарў келиб қолишини ўйлаб ниятидан қайтди.

... Тун суқунатга чўмган. Оламни ларзага келтирувчи дод-фарёд қишлоқ ахлининг оромини бузди. Наргизанинг ҳаёлига қайнонаси келди-ю, юраги орқага тортиб кетди. Дарвозанинг тақиллашидан совуқ хабар келганини англаб Наргизанинг ҳуши бошидан учди.

«Онам» лаб йиғлаган келиннинг овозини, набираларининг уйни тўлдириб «Бувижон, биз келдик, кўзингизни очинг», - дея бўзлаганини ҳам онаизор эшитмади. Дарвоза олдида бошини қиссадан ҳисса

Эмоннинг касри ўзига урмайди, деганлари рост экан. Яккаю ёлғиз фарзандининг роҳатини кўраман, деган она унинг доғида қуйиб, омонатини топширди. Наргизанинг армонли кўнгли ғуссага тўлди. Ягона илинжи қайнона эди. Энди исиз, келин бўлиб тушган хонадон файзис, фариштасиз кўринди. Маъракалардан кейин узок туролмади. Кетар чоғида Бехзоднинг умидли нигоҳи ҳам Наргизанинг кўнглини илитолмади. Бир вақтлар икки ёшнинг юрагига чўс солган туйғуни, муҳаббат - деб билиб хато қилган эканлар. Бир сароб экан. Қани энди уни титкилаш билан меҳр ўтини ёндиришнинг илоҳи бўлса-ю, ачиққ тугуни кўзни ачиштирмас?

Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА
Андижон вилояти

Курьони Каримга асосланиб, ота-боболаримиз (оғу) ароқ ичинши гуноҳи азим ҳисоблаганлар.

Бу захри қотилини нўш қилган инсон кўп фожеаларга йўл очади. У доим ёмон йўлга бошлайди, инсоннинг обрўйини тўқади, бири икки бўлмайди, маҳаллада, оилада обрўйи кетади, бузуқ ишларга етаклайди, охир бориб фарзандидан, рўзгоридан жудо қилади.

Долим ёшлиғидан тарбиясиз ёшларга қўшилиб, ичкиликка, машаққатга берилди.

ОҒУНИНГ КАСОФАТИ

Вақти келганда наркотик моддан ҳам чекиб юрди.
Йиллар ўтиб, 45 ёшга кирди ҳамки, ичкиликни ташламайди, фарзандларни уйлаб, чиқарадиган вақти етди, лекин уйда ҳеч вақо йўқ.

Ичкиликка муккасидан кетган Долим одамлардан қарз олиб ичадиган, гоҳида уйга келмай кўчада қолиб кетадиган бўлиб қолди.

Жонидан тўйган Донохон

бири икки бўлмагач, эрини уйдан ҳайдади, ўзи тул, болалар тирик етим бўлди.

Ирсият қонуними, ота қонидан ўтганими катта ўғли Дониёр ҳам отасига ўхшади. Туппа - тузуқ касбидан кетди, ҳар куни чошгоҳдан ичинши бошлайдиган хунар чиқарди.

Бу аҳволни кўрган хотини Гулсарани отаси уйига олиб кетди.

Ичкиликка ружу қўйган Дони-

Бир куни зарур иш билан бир ҳовлига бордим. Дарвозасини тақиллатганимда 6-7 ёшлардаги бир бола чиқиб келди. У уйда опа-акалари-ю, укаларидан бошқа ҳеч ким йўқлигини айтди.

-Ота-онанг бозордами ўғлим, кечкурун келарман,- дедим.

-Дадам билан ая келмайди. Улар узоққа кетишган пул олиб келгани, - деди болача. Индамай изимга қайтдим.

-Бир куни ўша боланинг бувисини кўчада учратдим.

-Опа, шу қўзингиз бекор узоққа кетибди-да, эри кетса майли-ю, ҳар ҳолда бешта норасида гўдакни ташлаб, аёл киши узоқларга кетгани яхши эмас-да, - дедим.


-Болалари ёлғиз эмас. Мана мен билан бобоси навбатма-навбат кечалари уларни олиб ётамиз. Ёшлиғида, кучини борида уйлари битказиб, тўйларини ўтказиб олсин. Кейин, яхши кийиниш, еб-

линчак ҳам кўзларига ёш олади.

- "Опажон, акажон, уйлариңгизга қайтинглар, ахир болаларингиз сизларни соғиниб кетишган, кўз олдимизда меҳрга, тарбияга, қароғга зор болаларингизни кўриб биз қўшил-лар ҳам қийналиб кетдик", - дейман телефондан,- дейди келинчак йиғламираб. Шунда улар нима бор, пулинг қони бу ёқда экан" деб жавоб берармишлар. Шундан бери ўйлайман. Бир этак болани уйда қолдириб, ўзлари бойлик, обрў илинжида юрган бу кимсалар фақат бугунини ўйлайдилар. Ахир, эртага бугунги куч-қуввати, мадори, ёшлиғи кетган, шу ўзлари ёлғиз қолдириб кетган фарзандлари ҳам уларни ташлаб кетмайди, деб қим қафолат беради? Қуш ҳам уясиди кўрганини қилади-ку!

Бир опани танийман. Мансаби кат-

МЕҲРИМИЗНИ ДАРНЕ ТУТМАЙЛИК



ичиш деган гаплар ҳам бор-ку, - дейди озгини тўлдириб.

-Тўғри, уй-жойларни, уст-бошни башанглиги яхшику опа, лекин буларнинг барчасидан устунроқ бир нарса бор-да, у ҳам бўлса ана ўша гўдакларнинг тарбиясидир. Невабаларингиз хозир айни меҳрга, тарбияга муҳтож. Оталарку майли-я опажон, лекин оналаримиз фарзандлари бахтига масъулдирлар, - дейман нима дейишни билмай.

- Уларга ҳозир тарбия керак эмас, тарбияни еб бўлмайди-ку ахир. Пул топиш, уларинг қорнини тўғайиш керак. Мана сиз маҳалла фуқаролар йиғинининг фаолсиз. Кам таъминланган, 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга бериладиган нафақа бўйича комиссия аъзосисиз. Анчадан буён қизимга пул бермайсизлар. Шунинг учун кетди қизим, - деди аёл жаҳл билан.

- Опа, беш бу нафақаларни ишламай юрган бозорчи, узоққа кетганларга эмас, эрхотин икковиман ишласа-ю, ойлик маошлари камлик қилган оилаларга берамиз. Шаҳар бедарвоза эмас, - дедим.

Узингиз мулоҳаза қилиб кўринг азиз газетхон, майли пул зарур экан бозорда юрсин. Лекин кечаси уйига келиб болалари олдида ётсин, лоқақал. Айтишади-ку: "Юзта тоғани йиғсанг, битта ота бўлолмас, мингта аммани йиғсанг битта она бўлолмас", - деб.

Уларнинг ён қўшниси билан сўхбатда бўлдим. У келинчакнинг айтишича эрхотинлар ҳар замонда телефон қилиб туришаркан.

- Ғўшакни кўтарган болалари ота-оналарининг сўзларига жавоб беришолмайди, ўпкаси тўлиб нуқул йиғлайдилар, - дея ке-

та. Қачон ҳузурига борманг, сиз билан самийми муносабатда бўлади.

"Биз беш фарзанд ота-онамизнинг ҳалол меҳнатлари эвазига топишган маблағ билан вояга етдик. Отам нон заводидан нон пиширувчи, онам эса мактабда фаррошлик қилардим.

- Мен тўрт ўғилнинг ичида битта қиз эдим. Шундай бўлса-да, ёшлигимда онам билан синфхоналарнинг полларини ювардим. Мактабни битиргач, биз фарзандларни ота-онамиз ўқитди. Уйли-жойлик қилди. Отам дунёдан ўтиб кетди. Худо раҳмат қилсин, қилбоғҳимни.

Онам эса ҳаёт. Утган йили муқаддас Ҳаж сафарига бориб келди. Ёшлигимдан камтар бўлиб ўсганим учунми, пол артаётган фаррош хотинни курсам, меням ишлагим келиб кетди", - дейди опахон қўлиб.

Кўрдингизми азизларим, ёшлигидан ниҳол парварширини яхши қилсангиз, шунчалик кўп сарфал мева бераркан дуркун дарахт бўлгач. Бу дунёда саломнинг ҳам, алиқнинг ҳам қарзи борлигини унутмайлик.

Азиз опа-сингиллар, юрчи-туришимиздан, қўлаётган ишларимиздан андоза олаётган фарзандларимиз тарбиясини ота-онамизга-ю, қариндош-уруғларимизга ташлаб қўймайлик.

Жондан азиз бўлган болаларимизга ўзимиз гамхўрлик қилайлик. Шундагина улардан маданиятчи, мард, жасур, илмли кишилар етишиб чиқажак. Эеро, фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади.

София УЗОҚОВА
Шаҳрисабз шаҳри

ёр молу-қўйини, участкасини ҳам сотиб ичиб юборди.

Елка "яғри" - отга хато,
Ота "яғри" ўғилга мерос,
деганларидайи ўғил ҳам кўчада қолди.

40 га бориб қолган Долимга чойхона, ошхона панох бўлди. У ҳар куни бозордаги савдо дўконлари сотувчиларидан, одамлардан тиланиб, йиққан пулига ичиб юрди.

Қунлардан бир куни тонг-дахарда чойхоначи келса, Долим ака донг қотиб ётганмиш. Бир-икки соат ўтибди ҳамки, қимирламабди.

Шунда чойхоначи бориб уйғотмоқчи бўлиб қараса, озидан бурқсаб хид келар, лекин қимирламаммиш.

Шу орада "тез ёрдам" машинаси келиб Долим акани ўликхонага олиб кетибди...

Ичаверсанг оғуни гар,
Охири қурийд жигар,
Ўтмай қолар асло сўзинг,
Кўчада қолсан ўзинг.

Нурбек РАҲИМ
Нафақадаги ўқитувчи
Фаргона вилояти,
Ёзёвон, Сойбўйи

Аслида биз тўрт опа-сингилмиз. Бўка туманида туғилиб ўсдик. Бир мен олисга, Сурхондарё вилоятига узатилгандим. Ҳаммамиз ўқимшили, олий маълумотли бўлдик. Отамиз ўқишимизга жуда катта аҳамият берарди. Орадан анча йиллар ўтди. Ота-онамиз вафот этишди.

Отанинг ҳовлисида катта акамиз яшарди. У киши ҳам аёли вафот этган, ёлғизлашиб қолганди. Уч қизи бор эди. Бир қизидан ташқари иккитаси турмушга чиқиб кетишганди. Ўша турмушга чиқмаган қизи эса, Россияга кетганди. Акам мени ҳар гал кўргани борганда: "Синглим, шунча йил мусофир юрда юрганинг етар. Уйимизга кўчиб боринглар. Бир ўзим ҳайхотдек ҳовлида мунгайиб қолдим. Сизлар билан зора бағрим тўлса", - деб йиғларди. Бу гапни ҳар гал келганида такрорларди.

Эрим эса охири ота ҳовлисини сотиб Бўкага кетишга кўнди. Биз ҳовлимизни сотиб хурсанд ҳолда ота ҳовлимизга акам билан яшашга кўчиб келдик. Уйларни таъмирладик. Акам ҳовли четидоги икки хонали уй билан айвонга кўчиб ўтди. Биз у ерни жуда чиroyли қилиб таъмирлаб бердик. Ҳаммамиз хурсанд эдик. Бу орада ўғлим ўқишга кирди. Қизимга совчилар кела бошлади. Тўй қилмоқчи бўлиб юргандик. Аммо...

Кутилмаганда акамнинг қизи чет элдан келиб қолди. У йилда бир марта акамни кўргани келиб кетарди. Лекин, ҳали турмуш қилмаганди. Иسمى Манзура эди. Хуллас, ана шу қизи келдию, тинчгина яшаб турган ҳов-

лимизда қўямат бошланди. Манзура тезлик билан ҳовлидан чиқиб кетишимизни талаб қила бошлади. Акам бечорани ҳам юмта талаб ташлади. Бечора акам эса, юм-юм йиғлар, нима қилишини билмасди.

чолмасдик. Аммо, қизининг бу гаплари акамни адо қилганди. У бир оз сукут қилиб турган: - Мени кечиргин, жигарим. Олисда бўлсан ҳам ўз уйинг бор эди. Тинчгина яшаётгандинг. Мен сизларни иссиқ ўринла-

хам саломлашмай қўйибди. Биз ёлғизгина акамизни жуда яхши кўрардик, уни соғинардик. Ҳатто, Манзура жўнаб кетгандан кейин борганимизда ҳам акам бизга дарвозасини очмади. Ўзингиз тасаввур қилиб кўринг, ота уйимизга отадек азиз акамизни кўргани келсагу биз учун эшиклар очилмаса... Йиғлаб-йиғлаб қайтиб

римни бир эшитса?..

- Ох, акажон! Нега биздан ўзингизни олиб қочаясиз, нега ахир? Умр деганлари оқар сув, акажон. Эрта-индин паймонамиз тўлиши, бу дунёдан кетишимиз ҳам бор. Дунёга ким устун бўлибди. Ёшингиз етмишга борганда, бу қандай кўргулик? Келинг, акажон, хато биздан ўтган бўлса кечиринг. Дийдорлашиш, ўтганларни илгаригидек бир хотирлашимиз қандай яхши эди.

Уйимиз катта кўча ёқасида жойлашган. Баъзан, узокдан кўчадаги ўтиргичда ўтирганини кўриб эзиламан. У ўғлимнинг тўйига ҳам келмади. Акамдан молу дунё эмас, меҳр истардим. Унинг тўйларимда бош бўлиб туришини истардим, холос. Аммо, негадир аҳил оиламизга кўз тегди. Бизга ҳамма ачиниб қарайдиган бўлиб қолди.

Вахоланки, биз нафақат маҳалламизда, балки туманимизда ҳам ибратли оилалардан бири эдик. Балки, ота-оналаримизнинг руҳлари бизнинг бундай муносабатларимиздан чиқариб юришгандир? Ишқилиб ўзимиз кутмаган ана шунақа ташвишларга дуч келиб қолдик. Агар бир-биримизга сал беоқибатроқ бўлганимизда бундай куймасдик? Лекин, қалбимиздаги меҳр ҳамма нарсадан устунроқ экан. Бундай қисмат ҳеч кимнинг бошига тушмасин. Ака-опаларимиз, сингли-укаларимиздан сира бегона бўлмайлик. Ҳаммамиз учун азизу муқаддас дарвоган ота уйимизнинг бўлзаси ҳеч қачон ёпилмасин.

Мавлуда

Тошкент вилояти

АХИЛ ОИЛАМИЗГА КЎЗ ТЕГДИ



Охири бу ишга маҳалла аралашди. Катта опаларим насихат қилишди. Манзура бирорта инсоннинг гапига қирадиганга ўхшамасди. Охири ҳеч кимни уйга киритмай қўйди. Агар болаларимдан бирортаси кечикиб қолса, биз эшитмасак соатлаб дарвозанинг тагида туришарди. Манзурадан қалитни олганимизча анча вақт ўтарди. Бу ишлар бизнинг ҳам жонимизга тегди. Тўрт опа-сингил йиғилишиб Манзурага насихат ҳам қилиб кўрдик. Бўлмади. Акам эса бошини эгиб ўтирарди. "Агар сизларга ака керак бўлса, ана, олиб кетинглар. Менга керак эмас", - деди у безрайиб.

Бу гапларни эшитиб ҳайратдан қотиб қолдик. Тўғри, акам бизнинг жигаримиз эди. Ундан ке-

рингни совутганим учун кечиринглар, - деди менга мўлтираб қараб.

- Ана эшитдингларми? Тезда жойларингни топинглар, - дея ўшқирди қизи. Шундан кейин акам ҳам ўзгарди. Биз билан саломлашмай қўйди. Биз кўшни маҳалладаги бир уйга ижарага чиқиб кетдик. Акамнинг хурмати, унга зуғум бўлмаслиги учун шундай қилдик. Аммо, акам бир шундайга ўзгариб кетганди. Қандайдир серзарда, баджаҳл бўлиб қолди. Бизни кўчаларда кўрса ҳам юзини тескари буриб кетадиган бўлди.

Менинг оиламдагилар билан шундай бўлса, майли эди. Бошқа уч опаларимни кўрганда

кетардик. Мана шунга ҳам бир йилдан ошди. Айрилиққа ҳам кўнликдик. Лекин қалбимиздаги соғинчга кўника олмайпмиз. Бизнинг бу аҳволимизни тирик акасининг дийдорини кўришдан махрум бўлганлар бўладилар. Мен қизларнинг энг кенжаси бўлганим учун акамнинг менга бўлган меҳри бўлакча эди-да. Акамни жуда яхши кўрардим. Баъзан, акамни кўриш учун кўчамиздан уч-тўрт марталаб ўтаман. Бир марта чидай олмай акамнинг олдига қараб югуриб бордим. У эса мени кўриб ўрнидан туриб ичкарига кириб кетди. Дарвозамизга бошимни қўйиб анчагача зор-зор йиғладим.

Фарзандлари вояга етиб ёнирга кирган, келинлик, кўёвлик бўлай деб турган аёлнинг бу гаплари жуда ғалатидир. Лекин, нима қилай жигарчилик деганлари шу бўлса керак-да. Бориб дардларимни илгаригидек акажонимга айтгим келади, унинг елкасига бошимни қўйиб йиғлагим келади. Акамдан тирик туриб айрилишга сира кўника олмайман. Бошқа опаларим ҳам шундай бўлса керак. Қадимгилар: «Қизил юз пайдо бўлса, қизил юздан айиради», - дея тўғри айтишган экан. Манзуранинг қилмши ҳаммамизни пардек тўзғитиб юборди. Лекин, энг оғири шундаки, муносабатларимизга совуқлик мени, оиламни деб тушганидан эзиламан. Қанийди, акам мана шу гапла-



1990 йил тўйимиз бўлди. Мен тушган оила жуда катта етти ўғил ва бир қизили эди. Мен учинчи келин эдим. Аввалига яхши яшадик, лекин мен бир нарсага ҳайрон қолардим. Қайнонам ҳеч ким билан гаплашмас эди. На қариндош-уруғ, на кўни-қўшни, ҳеч ким бизникига келмас эди. Оилада ҳамма нарсага қайнонам ҳўжайинлик қиларди. Мен туғилиб ўсган оилада бунинг акси эди. Дадам ҳамма ташвишни ўз зиммаларига олардилар.

Қайнонамнинг феъли жуда оғирлигидан бўлса керак ҳозирги кунда олти келинидан, учтаси ажрашиб кетган, барчасини биттадан-иккитадан болалари бор. Мен ҳам қайнонам билан олти йил давомиди икки марта онамларникига кетганман. Лекин дадам: "Қизим, болаларингни тирик етим қилма, алоҳида яшасанглр ҳаётларинг изга тушиб кетади", - деб ўзлари олиб келиб қўйиб кетганлар. Келганимдан кейин улар менга: "Мана, даданга ҳам керак эмассан, боқа олмай келтириб қўйиб кетди", - деб менга кун беришмасди. Овсинларим ҳам кетиб қолса орқасидан ҳеч ким - на қайнонам, на эрим борарди. Эрларимизнинг пули, болаларимиз нафақаси қайнонамда турарди. Онамизникига бормоқчи бўлсак ҳам у кишидан руҳсат олардик. Бу қийинчиликлар, ўйловлар қон босимим кўтарилишига дучор қилди. Дадам қийналганимни кўриб икки хонали уй солишга ёрдамлашдилар ва биз кўчиб ўтдик.

Энди ўзимни жуда ёлғиз сеза бошладим. Турмуш ўртोगим ҳеч қаерда ишламасди, болаларимга, менга, эътиборсиз эди.

қийинчиликларимиз ўтиб кетади, ҳаммаси яхши бўлади", - деб кўнглимни кўтарса бўлади-ку. Аёл ширин сўз гадосидир. Куёв бўлганига 10 йил бўлган бўлса ҳам эрим она-

яшамокдан ўзга бахт бўлмаса керак. Эрим билан 10 йил яшаб шунга амин бўлдимки, ота-она муносабати болага катта таъсир қилар экан. Эрим ўзи шунақа муҳитда катта бўлгани учун назаримда отаси ўрнини эгаллапти. Оила тақдири билан қизиқмаган, бола тарбиясига беъэтибор, хотини қийналганини кўриб туриб

ЎҒИЛ ЭР-ЙИГИТ БЎЛИБ ЕТИШСИН...



Мен билан бирор ишни маслаҳат қилмас эди. Фақат онаси билан келишарди. Тўғри, она биз учун энг улўғ зот, унга қанча хизмат қилсак ҳам кам. Лекин онанинг ҳам, хотиннинг ҳам, боланинг ҳам ўз ўрни бўлиши керак. Мен ишдан ҳориб- толиб келаман, уйда бир оғиз ширин сўз билан кўнглимни кўтарадиган одам йўқ.

Ахир бир оғиз ширин сўзи билан: "Ҳали

кўз юмди. Дадажоним жуда ҳам яхши инсон эди. Бахтимизга онажоним соғ бўлсинлар. Оила ташвиши, рўзғор, бола тарбияси мени чарчатди. Акаларим рўзгоримга катта ёрдам берардилар. Баъзан атрофимга қараб, ўйга толаман, қўлидан ҳеч иш келмайдиган қизлар жуда ҳам бахтли яшашади. Менинг эса қўлимдан келмаган иш йўқ. Лекин тақдир бахтдан мени қисиб қўйибди. Аёл киши учун севилиб

кўзини юмиб яшаётган эркак билан яшаيمان? Шуларни ўйлаб-ўйлаб ажрашишга аҳд қилдим. Ўғилларимнинг отасига ўхшашини хохламайман. Мен ўғилларини эрта бир кун барча оила ташвишларини ўз зиммасига олиб яшайдиган эр- йигитлар қилиб тарбияламоқчиман.

Икки ўғил, бир қизим билан етти ойдирки онамникидаман. Худога шукр, яхши ишда ишлайман. Болаларимга, ўзимга маошим етарли. Акаларим алоҳида уй олиб бермоқчи. Шунча вақт ичида эрим бирор марта келиб на болаларидан, на мендан хабар олди. Ота ўз фарзандларига ҳам шунчалик беъэтибор бўладими?

Сиз азизлар, менга нима деб маслаҳат берасизлар, эрим билан бирга яшаганим яхшими? Ёки фарзандларимга умримни бахшида этиб, шуларнинг бахти учун курашиб яшаганим яхшими? Сизлардан жавоб кутиб қолувчи юртдошимиз.

С.

Каттақўрғон шаҳри

ЎТ-ГИЁҲЛАР ЖАРОҲАТНИ ТУЗАТАДИ

Ёз пайтлари чорбоғга чиқиб кетасиз. Нимадир бўлиб, кўлингизни кесиб оласиз ёки гул тикани тирнаб, бармогингизни яра қилади. Кўпинча кўл остингизда энг керакли йод ёки яшил дори бўлмай қолади. Шунда нима қиласиз? Кўп ташвиш тортманг, ахир энг яхши дори-антисептин оёқ остингизда ўсиб ётибди-ку. Қишлоқда йод топиш умидида дорихона қидириб юрманг. Янги барглари узинг-да, артинг ва уларни кўлингизнинг яра ёки тирналган жойига кўйинг. Ёки бўлмаса, ўт устига қайнаган сув кўйинг. (Бир стакан сувга 100 г) ўтли сув бирпас тинсин. Сўнг уни олиб ярани ювинг, стерилланган латтани олиб, эритмага ботиринг-да, кўлингизни боғлаб кўйинг, уни кунига икки марта алмаштиринг.


Оқётган қонни ариқча чеккаларида беозор ўсиб ётадиган отқулоқ яхши тўхтатади. Отқулоқ барглари олиб, уларни ювинг. Уни яхшилаб қоқиб ташлаб, кейин кўлингизни яра жойига боғлаб кўйинг.



ТУЗ СЕНГА ДУШМАН ЭМАС, ДЎСТДИР

Тузга алоқадор кўп иримлар мавжуд. Масалан, уйда туз тўқдингми – тамом, бу хонадондан насибам узилди, деявер. Ёки бўлмаса, туз тўқилиши оилада турли жанжалга олиб келармиш. Бир чимдимини янги дунёга келган қақалоқ оғзига ташланг – демак, у ҳаётда бахтли бўлади, меҳмонларни туз билан кутиб олиш айни туз-насибанинг бирлиги демакдир.

Ха, худди шундай. Туз хусусида кўп яхши ва ёмон гапларни гапириш мумкин. Тузсиз эса ҳаётнинг ўзи йўқ. Туз кўпгина дардларни чақирши ҳам, шунингдек, кўп дардлардан халос қилиши ҳам маълум. Олимларнинг тадқиқот қилишларича, тўрт кишидан иборат оилада бир килограмм туз бир ярим ойга етиши керак экан. Демакки, ҳар биримиз ҳар кун тахминан 15 г. туз тановул қилишимиз даркор экан. Бу дегани, чойқошиқдан ортмайди. Бироқ биз мўл қилиб гўштни ва таомларимизни тузлаймиз, сўнгра эса ҳар хил оғриқлардан шикоят қила бошлаймиз. Келинг, яхшиси, туз туфайли оғригунча, у билан даволанайлик. Туз томоқ оғриғида, анги-нада жуда ёрдам беради. Туздан 0,5 чой-қошиқ олиб бир стакан сувда эритинг, унга бир неча томчи йод кўшиб, томоғингизни чайинг. Кулоғингиз оғридим, тузни товага солиб, бингга ўраб, оғриётган кулоғингизга кўйинг. Бўғинларингиз оғриётган бўлса, денгиз тузи асосида тайёрланган малҳам кўп келади. 100 г. ўсимлик мойига 1 ош қошиқ денгиз тузи ва 2 ош қошиқ асал кўшинг ва ҳаммасини аралаштириб иситинг. Ҳосил бўлган малҳамни оғриган аъзога кўйиб, селлофан билан ўранг, сўнгра жун мато билан боғланг. Бу компрессни 30 дақиқа тутинг.



САЛОМАТЛИКНИНГ ТУРФА РАНГЛАРИ

Сизга бир савол: касалликни дори-таблетка ичмасдан ҳам даволаса, енгса бўладими? Мумкин эмасдир-ов, деб қолишингиз табиий. Агар шундай десангиз, хато қиласиз. Қадимда Шарқнинг машҳур ҳақими дея ном қозонган Ибн Сино, сувчечакни ёрқин ранглар ёрдамида даволаганлиги тиббиёт тарихидан маълум. Ҳозир ҳам айни ранг терапияси – ранг билан даволаш альтернатив тиббиётнинг жуда урф бўлган йўналишларидан биридир. Ана шу усулни бир ўзингизда тажриба қилиб кўринг-а! Кўп ишлаб, толиқасизми? Шунда столга қипқизил гуллардан тузилган гулдаста кўйинг ёки алвон ранг кўйлаб кийиб олинг. Бу сизга галати кўринадиган бўлса, унда жуда бўлмаса бўйингизга қизил шарф ташлаб олинг. Маълум бўлишича, қизил ранг қон айланишини яхшилаб, кишига куч бағишлар экан. Сизда дарҳол ишлашга истак туғилади. Бироқ агар сизнинг қон босимингиз юқори бўлса, қизил рангдан беҳолланиб, ўзингизни ёмон ҳис қиласиз.

Кичкинтой болангизнинг иштаҳаси йўқми? Бўлмаса, унга сариқ рангли косада овқат беринг. Бу ранг киши ошқозони фаолиятини яхшилайдди, равожлантиради. Ошхона ва ётоқ

бўлимингизга тўқ сариқ парда осиб кўйинг. Қарабсизки бирпасда кайфиятингиз кўтарилади. Чунки апельсин ранги кишини ҳар хил кўркүв, хавотирлардан сақлайди, сариқ ранг асабларни мустаҳкамлайди, ахборотларни тез илғаб олишингизга кўмаклашади, аниқ-равшан фикрлашга ундайди. Ранглар орасида энг уйғун ранг яшил ҳисобланади. Бу ранг юрак аъзосига анча таъсир қилади, қон босимини бир меъёрда сақлаб, жигар фаолиятини яхшилайдди. Бош оғригини қолдиради. Уйингизда иложи бўрича ям-яшил ўсимликлар кўп бўлсин, сиз уларга қараб роҳатланинг. Агар чарчаган бўлсангиз, кўзларингизни юминг ва хаёлан кўз олдингизда кўм-кўк майсазорни тасаввур қилинг. Худди ана шу шудринглар билан қолганган майсазорда оёқ яланг югургандай бўлинг. Шунда даррров ўзингизни тетик ҳис қиласиз. ҳаво ранги сизни уйқусизлик дардидан халос этади. Бу ранг киши асабларини бўшатириб, тинчлантиради.



ҚАБЗИЯТГА ҚАРШИ

Сиз ичингиз қотишидан, қорнингиз дам бўлиб, қабзият ошишидан азоб чекайсиз, шундайми? Хожатхонага кириш қандай азоблигини, бу дардга дучор бўлганлар билади. Ана шу дардга масса-ж-уқалаш ёрдам беради. Айнан масса-ж-қоринни аста уқалаш ичак фаолиятини яхшилайдди. Мўҳими - эрин-маслики. Масалан, эрталаб ўрнингиздан турганч, панжаларингизни совуқ сувга ҳўллаб олиб, ўнг кўлингиз билан яхшилаб қорнингизни босиб айлантириб уқаланг. Сўнг унча катта бўлмаган пахмоқ сочик билан силанг-да, яна жойингизга ётинг. Кўлингизни қорнингиз-

нинг ўнг томони бўйлаб, пастдан юқорига 5-10 мартача қимирлатинг, сўнгра ҳўл сочикни чап кўлингизда тутганча, қорнингизнинг чап томонига юқоридан пастга 5-10 марта уқаланг. Бу ҳаракатларни яна кетма-кет ҳар томондан 3-4 марта уқалаб қайтаринг.

Қабзиятнинг яна бир оддий, асрлардан буён амал қилиб келинаётган бир воситаси бор. Бу усулдан буваримиз фойдаланиб келишган. Эрталаб наҳорга тахминан новушта қилгунингизгача қайнатиб совирилган ва пича туз кўшилган бир стакан сув ичинг.


КАРАМ ШАРБАТИ

Биз ақсарият қарамни унча хуш кўрмаймиз, тановул қиладиган таомларимиз рўйхатидан уни гоҳида тушириб ҳам қолдирамиз. Тадқиқ қилишларича, қарам инсон саломатлиги учун қон фойда экан. Биласизми, қарам, айниқса, ошқозон қарам таркибида оқсил, қанд, аскорбин, фолий ва никотин кислоталари қарамнинг витаминлар ярага қарши фермент, бириктирувчи тўқима, калий, фосфор, кальций, анча микдорда олтингурут мавжуд. Янги узилган ка-



рам суви, шарбати сурункали гастрит касаллиги, айниқса, гастритнинг кислота кам бўлиб қолган турида, ҳамда ошқозон яраси ва ўн икки бармоқли ичак яллиғланиши, жигар-талок касалликларини даволашда яхши ёрдам беради, ортиқча семириб кетишининг олдини олади. Уй шароитида қарам шарбати қуйидагича олинади: унинг пишган бошини олиб, барглари майдалаб, сиқилади. Қарам сувини кунига 2-3 мартадан ярим стакан қабул қилинади. Ушбу шарбатни совитгичда икки кундан ортиқ туриши мумкин эмас. Агарда шарбатни совитгичда кўпроқ сақласангиз, унинг ярани даволаш хоссалари бутунлай бузилиши мумкин.

МОЙЧЕЧАК - УЙҚУСИЗЛИК ДАВОСИ



Дорихона пештахталарида турган мойчечак (ромашка) нафақат сизнинг "севадими-йўқми", деган юрагингизни тўлқинлантирган саволга жавоб беришга қолмайди, балки бир қатор даволовчи хусусиятларни ўзида мужассам этиши билан ҳам аҳамиятлидир. Мой-

чечак гулларида Р гуруҳи витаминлари, А провитами, кўпгина органик кислоталар (жумладан, С витамини) ва бошқа биологик актив элементлар ҳам сақланади. Тунда уйкуга ётиш олдинда бир пиёла мойчечак солиб дамланган чойни ичсангиз, уйқусизликни енгдим деяверинг. Мойчечак чойи шундай тайёрланади: 1 чой қошиқ мойчечакка 1 пиёла қайноқ сув кўйилади ва 5-7 дақиқача дамлаб кўйилади. Агарда икки ҳовуч мойчечак гулини олиб шишага солсангиз ва устига 500 мл зайтун ёғидан томизиб, хона ҳароратида 6 ҳафтагача тиндириб кўйсангиз, яра-чақаларни даволайдиган ажайиб малҳам ҳосил бўлади.

Маъсума АҲМЕДОВА тайёрлади.

НАЪМАТАК ШАРБАТИ

Наъматак шарбатини унинг янги мевасидан ёки қоқисидан ҳам тайёрлаш мумкин. Бунинг учун наъматак мевасини яхшилаб ювиб, сирланган бирор идишга солинади, устидан шакар ва қайноқ сув кўйилади. Идишнинг қопқоғини буғ чиқмайдиган қилиб жипслаб димлаб кўйилади. Ораддан бироз вақт ўтган, шарбат совийди. Шундан кейин у доқада сузиб олиниб, тоза шишага кўйилади. Ҳамда оғзи маҳкам беркитилиб, совуқроқ жойда сақланади. Ушбу шарбат шамоллаганда, гриппда, томоқ оғриғи,

Кичик маслаҳатлар

йўталда, тишлар бўшашиб милқлар қонайдиган бўлиб қолганда малҳам бўла олади.

ДАРДГА ШИФО БЎЛУР...

Халқимизда: "Иссиқ жон-иситмасиз бўлмайди", деган нақл бор. Айниқса, бу гап, ибора ҳозирча кўз пайтда ва қишда тез-тез тилга олинади. Тасодифан гриппга, тумовга чалиниб қолгудай бўлсангиз, дори-дармонлар ўрнига табиий нарзалардан, гиёҳлар, йиғма чойлардан ҳам фойдалансангиз бўлади. Куйида уларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

ОЛМА ЧОЙ

Олма, нок, лимон, қулупнай, олча каби меваларнинг қоқиси ва эссенциясидан тайёрланган брикет "олма чой" деб юритилади. Чойда юқорида кўрсатилган меваларнинг хушбўй ҳиди ва таъми бўлади.

Олма чойни дамлашда брикетни эзиб, қайноқ сувга бир неча чой қошиғида солинади ва қайнатилади. У сузилгандан сўнг истеъмол қилинади. У юз дардга даво бўлғусидир.

ИССИҚ СУВ ВА ЗИГІР

Буёқ мутафаккир Абу Бакр ар-Розий тумовни тузатиш учун ёзади: "Давоси: ту-

мов бўлган кишининг боши устидан таъсири миясида сезилмагунча иссиқ сув кўйилса, у дарҳол шифо топади. Бошқа хил даво: Бир парча зигир ёғга ботириб олинган латтани оловда қиздириб, тумов бўлган кишининг ёғурига, яъни бошининг қоқ ўртасига босилади. Иссиқлик таъсири сезилган захотиёқ барҳам топади..." Хасталикнинг олдини олиш учун пиёз ва саримсоқ тўғралиб, навбати билан кунига икки марта ҳидлаб турилса ва ширасини бурун йўлига суртилса фойда қилади.

М.МИРЗАШАРИПОВ,

доришунос

